Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 166 (20. 433) • 1989 йил 16 июль, якшанба • Баҳоси 3 тийин.

Ижара пудрати асосида

Андижон областидаги Мирзаахмедов номли совхоз механизаторлари шу пайтга қадар зиён келтираётган чорвачиликни атиги бир йил ичида даромадли соҳага айлантирдилар. Бунга ижара пудрати ёрдам берди.

Қўлга киритилган айрим натижаларни келтирмоқчимиз: А. Худойберганов билан К. Йўлдошев раҳбарлик қилаётган оилавий звенолар бўрдоқига боқиш учун юзтадан новвос олишди. Новвосларнинг кундалик семириши ҳозир 900—1000 граммни ташкил этяпти, бу — планда белгиланганидан 200—300 грамм кўпдир. Молларнинг гўштга топшириладиган ўртача вазни ҳозир 520 килограммга тўғри келяпти, бу эса икки йил аввалги кўрсаткичдан юз килограмм кўпдир.

Зотдор бузоқларни ўстириш ва уларни областдаги бошқа хўжаликларга сотиш фойда олишнинг яна бир манбаи бўлди. Совхоз подасида зотдор жонворлардан фойдаланиш ҳам ўз самарасини бермоқда. Хўжалик ҳозир областда сут соғиш бўйича биринчи ўринлардан бирини мустаҳкам эгаллаб турибди.

Ёз меваси — қишга

Янгибозордаги «Ленинград» колхози механизаторлари ўз боғларидаги меваларнинг тўла сақланишини таъминлай олдилар. Бунинг учун бу ерлик қўли гул усталар махсус қурилма яратдилар.

Бу қурилманинг ишлаш усули оддийгина: ювилган мевалар қирқилиб ғоят катта металл қутидаги транспортер-сеткага жойлаштирилади. Унинг ичида газ горелкаси ёрдамида керакли ҳарорат сақлаб турилади. Бир соат ўтар-ўтмас мевалар яхши қурийди, шундан кейин уларни узоқ муддат сақлаш мумкин бўлади.

Ҳосил ялписига йиғиштириб олинаётган ҳозирги кунларда бу янгилик жуда катта ёрдам беряпти.

(ЎзТАГ).

Дунё овози

● ФАЛОКАТ САБАБЛАРИ

БРЮССЕЛЬ. 4 июль куни Кортрек шаҳри районида қулаган МИГ-23 М самолёти фалокати сабабларини текшириш учун Бельгияга келган совет экспертлари группаси ўз ишини давом эттирмоқда. Мутахассислар учиш параметрларини автомат тарзда ёзиб оладиган қурилма — қора қути таркиби билан дастлабки тарзда танишиб чиқдилар. Группа раҳбарларидан бирининг сўзларига қараганда, лаборатория шароитида мураккаб анализлар ўтказилганидан сўнг фалокат сабаблари ҳақида ниҳоятда аниқ гапириш мумкин бўлади, бунинг учун машина парчаларини Совет Иттифоқига жўнатиш зарур.

Бельгия суд маъмурлари ҳам тергов олиб бориб, техника мутахассисларининг хулосасини кутмоқдалар. Бельгия ташқи ишлар министрлигининг расмий вакили бўлиб ўтган брифингда маълум қилганидек, совет экспертлари мамлакатнинг тегишли идоралари билан доимо алоқада бўлиб иш олиб бормоқдалар.

● КЕСКИНЛИККА ҚАРАМАЙ

КОБУЛ. Сақланиб қолаётган кескинликка қарамай, Нангарҳор вилоятининг маъмурий маркази бўлган Жалолобод шаҳрида ҳаёт тобора нормаллашиб бораяпти. Бахтар агентлигининг хабар беришича, иснёнчилар жиддий зарар етказган маҳаллий аэродром яна ишга туширилди. Натижада граждан авиацияси самолётлари Афғонистоннинг бу шарқий вилоятига яна уча бошлади. Мусулмонларнинг «қурбон ҳайити» муносабати билан қисман авф этиш хусусида президент чиқарган қарорга мувофиқ Жалолобод қамоқхонасидан 53 киши озод қилинди.

Оппозициянинг Муҳаммад Зоҳир бошчилигидаги қуролли гуруҳи қуролли курашдан фойда йўқлигини англаб, Сарн Пул вилоятида ҳукумат томонига ўтди.

● МУАММОНИ БАРТАРАФ ЭТИШ УЧУН

ҚОҲИРА. Қоҳирада МАР президенти Ҳусни Муборак билан ФОТ ижроия комитети раиси, Фаластин давлати бошлиғи Ясир Арафат ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. МЕНА агентлигининг хабар беришича, музокаралар чоғида томонлар региондаги аҳволни ва хусусан, «Шамир плани» деб аталган планни муҳокама қилдилар. Музокаралар иккала томон ўртасида Яқин Шарққа доир халқаро жаҳон конференцияси тезроқ чақирилишига қаратилган амалий масалаҳатлашувлар доирасида ўтказилганлиги, мазкур конференция муаммони бартараф этишнинг энг мақбул шакли экanлиги таъкидланди.

● ШОШИЛИНЧ ЧОРАЛАР КЎРИШГА ДАЪВАТ

ТУНИС. Араб давлатлари уюшмаси кенгашининг бу ерда бўлиб ўтган фавқулодда сессияси қатнашчилари халқаро ҳамжамиятни ва БМТ Хавфсизлик Кенгашининг Исроил томонидан босиб олинган араб территорияларида Фаластин халқини ҳимоя қилишга қаратилган шошилинч чоралар қабул қилишга даъват этдилар. Араб давлатлари уюшмасининг кенгаши қабул қилган баёнотда Исроил оккупацияси тўхтатилиши ва Фаластин араб халқининг ажралмас миллий ҳуқуқлари амалга оширилиши зарур эканлиги таъкидланади. Ҳужжатда дунёдаги барча давлатлар ва халқларга мурожаат қилиниб, Исроилни Яқин Шарқда барқарор тинчлик ўрнатилиши учун курашаётган халқаро ҳамжамият хоҳиш-иродасига бўйсунишига мажбур қилиш мақсадида Исроилга самарали таъсир ўтказишга даъват этилади.

● МУҲИМ ТАНТАНАГА ҲОЗИРЛИК

КАРАКАС. Испания, Португалия ва Латин Америкасининг бир қанча мамлакатлари ёшларининг халқаро экспедиция Христофор Колумбнинг учинчи экспедицияси [1498—1500 йиллар] маршрути бўйлаб Америка соҳилларига жўнаб кетишга шайланиб турибдилар. Бу сафар Америка кашф қилинганлигининг 500 йиллигига бағишлаб 1992 йилда тантанали ўтказиладиган тадбирлар программасига киради. 1985 ва 1988 йилларда Колумбнинг дастлабки икки экспедицияси такрорланган мана шундай денгиз сафарлари бўлиб ўтган эди.

Замонавий кемада бўладиган денгиз сафарида сув спорти турлари билан ва денгиз кемаларининг моделини тузиш билан қизиқадиган 16—17 ёшли ўспиринлар қатнашадилар. 16 сентябрь куни улар Испаниянинг Кадис шаҳридан йўлга чиқиб, ўн бир кундан кейин Венесуэланинг шарқидаги Ориноко дарёси дельтасига кириб борадилар. Улар йўл-йўлакай тушадиган мамлакатларнинг аҳолисига намойиш этиладиган маданий программа тайёрланди, спорт мусобақалари ўтказиладн.

(ТАСС).

СССР Олий Советининг биринчи сессиясида

14 июль куни эрталаб соат 10 да СССР Олий Советининг мажлислар залида сессия ўз ишини давом эттирди.

Раислик қилувчи **М. С. Горбачев** СССР Саноатда ва атом энергетикасида ишларни хавф-хатарсиз юритиш устидан назорат давлат комитети раиси лавозимига тасдиқланди.

Депутат **М. Н. Раҳмонова** изоҳ бериш учун сўз олади. У номзоднинг тайинланишини маъқуллар экан, хотин-қизларни раҳбарлик лавозимларига кенгроқ жалб этиш зарурлиги хусусида ўз нуқтаи назарини баён этди. Бу, деб таъкидлади у, хотин-қизларнинг совет жамиятидаги роли ўсиб бораётганлигига мосдир.

Анъанага кўра, мажлис охирида депутатлар бир қанча жорий масалаларни кўриб чиқдилар.

Ненец автоном округининг 60 йиллиги муносабати билан Олий Совет округ меҳнаткашларига табрикнома юборишга қарор қилди.

СССР Министрлар Совети ва ВЦСПС қонуншунослик ташаббуси тариқасида Олий Советга коллектив меҳнат низоларини ҳал этиш тартиби тўғрисида қонун лойиҳасини тақдим этдилар.

Сессия қонунчилик, қонуниийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитетига ва Иттифоқ Советининг меҳнат, нарх ва социал сиёсат масалалари комиссиясига қонун лойиҳасини кўриб чиқиш ва Олий Советга ўз хулосасини тақдим этишни топширди.

Депутат **О. О. Сулаймонов** сессия кўриб чиқиши учун иккита таклиф киритди.

Биринчиси, Халқларга нисбатан репрессиялар практикасини қоралайдиган ва бу халқларни батамом оқлайдиган ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш тўғрисида.

Олий Совет қонунчилик, қонуниийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитетига, шунингдек Миллатлар Советининг миллий сиёсат ва миллатлараро муносабатлар комиссиясига шундай ҳужжат лойиҳасини тайёрлашни ва бу лойиҳани муҳокама қилишни келгуси сессия кун тартибига киритишни топширди.

Иккинчиси. СССР Олий Советининг АҚШ конгрессига ядро синовларини ўтказмаслик ва уларни тўхтатиш масаласи хусусида конкрет таклифлар баён этилган мурожаатномаси тайёрлансин.

Мурожаатноманинг текстини тайёрлашга қарор қилинди.

Бир қанча депутатлар Бошқирдистондаги темир йўл фалокати сабабларини ўрганиш қандай бораётгани хусусида сессияга ахборот беришни илтимос қилдилар.

Ана шу фалокат тўғрисида мажлислардан бирида ахборот берилади, деб хабар қилинди.

Буюк француз революциясининг 200 йиллиги муносабати билан Олий Совет Франция Миллат мажлисига ва халқига табрикнома йўллашга қарор қилди.

Бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Мажлис тугади.

Сессия 17 июль куни ўз ишини давом эттиради.

(ТАСС).

БЕШ ЙИЛЛИК МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

• Агросаноат хабарлари

БИР МАЙДОНДАН ИККИ ҲОСИЛ

Андижон областидаги «Москва» совхозининг деҳқонлари ғалладан бўшаган майдонларга маккажўхори экишга қарор қилишди.

Деҳқонлар ҳар гектар ердан 60 центнердан «қаҳрабо дон» ва 400 центнердан силос массаси олиш ниятидалар.

— Биз ҳозирнинг ўзидаёқ гектаридан 40 центнердан кузги дон ҳосилини олдик, — дейди совхоз бош агрономи Умаржон Исроилов. — Ҳосил кўнгилдагидек ва бу ижара пудрати жорий этилганлигининг натижасидир. Энг яхши коллективлар бугдой ҳосилдорлигини пландаги 31 центнер ўрнига ҳатто 45 центнергача етказишга муваффақ бўлдилар.

КОЛХОЗДА ЦЕХ

Вобкент районидаги «Зарафшон» колхозида консерва цехи ишлай бошлади. Бу ерда олти мингдан кўпроқ шартли банка мева компотлари, шарбатлар, тузламалар тайёрланади. Бунинг учун хом ашё ҳам бор: колхоз деҳқонлари мева ва сабзавотдан мўл ҳосил олдилар. Бу уларга ўз цехларини тўла таъминлаш билан бирга дўконларга бир неча минг тонна янги узилган маҳсулот юбориш имконини ҳам беради.

(ЎзТАГ).



ҒАЙРАТ КЎРСАТИБ

Фарғона область Бағдод районидаги «Пахтакор» колхозининг азамат деҳқонлари бу йил 1761 гектар ерда пахта ўстиришяпти. Бу йилги об-ҳаво нинжиқликлари туфайли юзага келган қийинчиликларни мардонавор бартараф этган «оқ олтин» ижодкорлари ҳар гектар ердан 35 центнердан ҳосил кўтариш учун шу кунларда ҳар қачонгидан ҳам ғайрат ва шижоат кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Улар хўжаликнинг тажрибали деҳқонлари ҳамда кекса пахтакорларининг маслаҳатларига амал қилиб ишлашяпти.

Суратда: уруш ва меҳнат ветерани Зоҳиджон ота Маматқулов бригада бошлиғи Рустамжон Исмоилов ва звено бошлиғи Ҳайринисо Исоқоваларга айни вақтда экинларни қай тахлитда парвариш қилиш зарурлиги юзасидан маслаҳат бермоқда.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ сурати.

• Дала ишлари кундалиги

ҒЎЗА ПАРВАРИШИНИ КУЧАЙТИРИШ — БОШ ВАЗИФА

Июль ойида ҳаво ҳароратининг анча иссиқ келиши қишлоқ хўжалик экинлари, хусусан ғўзанинг жадал ривожланишига имконият яратди. 10 июлга келиб, чигит экилган майдонлардаги ғўзанинг 40 проценти гуллади. Лекин бу ўтган йил шу даврдагидан икки баравар кам майдонни ташкил этади.

Демак, республикамизнинг кўпчилик регионларида ғўза ривождан 1,5-2 ҳафта орқада қолмоқда. Сирдарё, Андижон, Наманган ва Сурхондарё областларининг айрим районларида эса ғўза ривожидаги қолоқлик 20-25 кунни ташкил этади.

Ғўза ривожининг ҳар бир даври ўзига хос бўлиб, агротехника тадбирларини табақалаштирилган ҳолда адо этишни талаб этади. Ҳозир чигити қайта экилмаган майдонларда ўсимлик гуллай бошлади. Бу даврда муҳим ишлардан бири суғоришни оби-тобида ўтказишдир. Шунинг учун суғоришни кечакундуз ташкил этиш, айниқса, тунда суғоришга алоҳида эътибор бериш лозим. Авало етарли миқдорда сувчилар ажратиш, уларни зарур анжомлар билан таъминлаш, миробларнинг унумли ишлашлари ва яхши дам олишлари учун шароит яратиш даркор.

Чигит қайта экилган ерларда ғўзалар шоналамоқда. Бу даврда ўсимлик яхши ривожланиши, ҳосил нишоналарининг кўпайиши учун етарли миқдорда озиқ моддалар билан таъминланган бўлиши керак. Шу сабабли бундай майдонлардаги экинни минерал ва органик ўғитлар билан тўғри озиқлантириш талаб этилади. Ҳозир аммофос, калийли ўғитлар, айниқса органик ўғитлар бериш ғўза ўсишини тезлатиб, мўл ҳосил тўплашга ёрдам беради.

Айрим пахтакорлар, мутахассислар ўғитларни, айниқса минерал ўғитларни маълум ойнинг маълум санасигача солиш керак, деб муддат белгилаб олишган. Бу мутлақо тўғри эмас. Ваҳоланки, кўп йиллик тажриба ва илмий тадқиқотларда ғўзанинг ўсиш даври ва ҳолатига қараб озиқлантириш кераклиги исботланган. Ғўза ўсишдан орқада қолган ҳозирги шароитда ғўзани озиқлантиришни тўхтатиш ҳосилдорлик пасайиб кетишига олиб келиши мумкин. Бу борада Самарқанд. Сирдарё, Қашқадарё области, Қорақалпоғистон автоном республикаси, Янгибозор, Урганч, Хонқа, Хазорасп, Кўрғонтепа, Ленин, Муборак, Чироқчи, Яккабоғ, Навоий, Қоражўзак, Шуманай райони далаларидаги ғўзаларга алоҳида эътибор бериш талаб этиладн.

Синоптикларнинг маълумотига кўра, июль ойининг қолган кунлари ва август ойида ҳаво ҳарорати одатдагидан анча иссиқ бўлиши кутилмоқда. Табиийки, бундай шароитда ўсимликнинг сувга бўлган талаби ортади. Ҳозирнинг ўзида республикамизнинг қатор регионларида сув таъминотида мураккаб шароит юзага келди. Шунга қарамай, кўплаб хўжаликларнинг раҳбарлари ва мутахассислари қатраси зарга тенг бўлган обиҳаётдан самарали фойдаланиш ҳақида ўйламаяптилар.

Масалан, Қорақалпоғистон автоном республикаси бўйича сувдан фойдаланиш коэффициенти 0,90 ни, Хўжайли районида эса 0,98 ни ташкил этмоқда. Лекин айрим районларда бунинг аксини кўриш мумкин. Хусусан, Шуманай районида сувдан фойдаланиш коэффициенти атиги 0,31 га зўрға етмоқда. Қатор хўжаликларда обиҳаёт бекорга оқава сувлари сифатида оқиб ётибди. Пайкаллариинг четлари кўллатиб юборилган.

Шунингдек, оқава сувдан бесамара фойдаланилаётганнини Навоий районидаги «Қизил Ўзбекистон», Иштихон районидаги Навоий номли, Гулистон районидаги Карл Маркс номли колхозларда, Оқолтин районидаги «Чинобод» совхозида, Бухоро районидаги «Партия XXVII съезди», Ромитан районидаги Энгельс номли, Ибн Сино номли, Свердлов районидаги «Коммунизм» колхозларида ҳам кўриш мумкин. Мазкур хўжаликларда сув ғўзанинг ривожига ёрдам бериш ўрнига бекорга исроф бўлиб, коллектор-дренаж тармоқларига оқиб ётибди. Натижада пайкаллардаги ғўзалар нотекис, яъни мириқиқор деҳқонлар айтганидек, «олачипор» бўлиб ўсяпти. Бундай пайкалларда мўл ҳосил тўпланмаслиги ва етилган «оқ олтин»ни ўз вақтида қисқа муддатда саранжомлаб олиш мумкин эмаслигини хўжаликлар раҳбарлари наҳотки унутишган бўлса?

Пайкалардаги ҳамма ғўзаларнинг бир текис қониб, сув ичиши, аввало, миробларга, уларнинг маҳорати, сидқидилдан қилган меҳнатига боғлиқ. Шу ўринда Сирдарё областидаги «Тошкент» ва Ворошилов номли совхозлардаги миробларнинг ибратли иши таҳсинга лойиқ. Бу хўжаликларда суғориш ғўзаларнинг ривожига қараб кўп йиллик тажрибага асосан, тунда ўтказилмоқда. Сувчиларнинг унумли ишлашлари учун барча шароитлар яратилган. Шунинг учун ҳам ҳамма пайкаллардаги ўсимлик бир текис, баравж ривожланмоқда.

Бу йил ғўза ривожидаги ҳар хиллик чеканкани мақбул муддатларда, ғоятда сифатли ўтказишни талаб этади. Шароитни ҳисобга олиб, ғўза учларини чилпишни икки-уч бор такрорлаш мақсадга мувофиқдир.

Ғўзани чеканка қилиш пайти асосан иссиқ кунларга тўғри келади. Шундай пайтда одамларни тез-тез далага киритавермасдан, махсус ТУР ва ПИКС препаратларидан фойдаланилгани маъқул. Бу йилги шароитда мазкур препаратлар, айниқса яхши самара беради. Бир неча йиллардан бери ғўзани чеканка қилишда ТУР препаратидан фойдаланиб, кўнгилдагидек самарага эришаётган Фарғона районидаги Ленин номли ва Тошлоқ районидаги Карл Маркс номли колхозларнинг тажрибаси фикримизнинг далилидир.

Ғўза ўсишдан орқада қолаётган ҳозирги шароитда унинг ривожини тезлатиш ва мўл ҳосил тўплашини таъминлаш учун нима қилиш керак?

Биринчи навбатда, суғоришни ўз вақтида сифатли ўтказиш, тупроқнинг доимо майин бўлишини таъминлаш, ўсимлик керакли озиқ моддалардан етарли баҳраманд бўлишига эришиш керак. У ёки бу агротехник тадбирни бажаришда юқоридан буйруқ бермай, деҳқоннинг мустақиллигини таъминлаш зарур. Чунки у ўз даласидаги ўсимлик ҳолатини ва суғориш, культивация, озиқлантиришни қачон ўтказиш лозимлигини жуда яхши билади.

Маълумотларга кўра, июль-август ойларида пахта далаларида ўргимчаккана ва ғўза тунламининг кўпайиши кутилмоқда. Ўргимчаккананинг далаларда кенг тарқалиши олдини олиш учун назоратни кучайтириш, агар бирон ерда ҳашорот кузатилгудек бўлса, тезда таъсирчан чоралар кўриш даркор. Ғўзага тунлам ҳам катта зиён етказиши мумкин. Бунга йўл қўймаслик учун маккажўхори пайкалларини доимо назорат қилиб туриш керак. Маккажўхори ўримйиғимини чўзмай, ўз вақтида тугаллаш мақсадга мувофиқдир.

Пахта далаларидаги ва маккажўхори майдонларидаги ғўза тунламига қарши курашда биологик методдан кенг фойдаланиш яхши самара беради. Бу ишни бажаришда энтомолог мутахассислар тавсиясига риоя этиш даркор. Пайкалларга оммавий равишда кимёвий препаратлар билан ишлов бериш атроф-муҳитга ва одамлар соғлигига зарар етказишини унутмаслик зарур.

Р. НАЗАРОВ,
республика Давлат агросаноат комитети пахта ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва ривожлантириш бошқармаси бошлиғи.

К. РИХСИЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

М. С. ГОРБАЧЕВ «НАДЕЖДА» КОМИТЕТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ БИЛАН УЧРАШДИ

14 июль куни СССР Олий Совети Раиси М. С. Горбачев Кремлда Афғонистондаги совет ҳарбий асирларини қутқариш учун курашувчи «Надежда» халқ комитети делегациясининг аъзолари А. Т. Амелин, В. В. Акимов, И. Ч. Андронов, А. Д. Горбунова, Э. Г. Жукова, Е. Ю. Поплавская, А. А. Проханов, А. А. Семенова билан учрашди.

М. С. Горбачев йиғилганлар билан самимий саломлашиб, бундай деди:

Биз Афғонистондаги урушни тугатдик, қўшинлар Ватанига қайтишди, лекин урушнинг оқибатлари оғир: кўпчилик ҳалок бўлди, майиб-мажруҳ бўлиб қолган, бедарак йўқолган, асир олинган йигитлар бор. Мен оталар ва оналарга сидқидилдан ҳамдардман. Аммо ҳамиша умидворлик қолади, сиз комитетингизни «Надежда», яъни «Умид» деб атаганингиз тўғри. Яхшиликдан умидвор бўлиб турибмиз, ҳали дийдор кўришиб қувонамиз.

Ҳар қалай, сиз совет раҳбариятининг позициясини биласиз: барча воситалар — Покистон, Афғонистон орқали, араб мамлакатлари орқали, АҚШ ва БМТ орқали йигитларимизни қутқариш, фалокатини аритиш учун ҳамма ишларни қиламиз. Келинг, шу ишни ҳаммамиз биргаликда қилайлик.

Энг асосийси — Афғонистондаги кўргилигимиз бундан кейин сира қайтарилмаслиги учун барча ишларни қилиш керак. Назаримда, бу ҳаммамизга равшандир.

Учрашув қатнашчилари М. С. Горбачевга халқ комитетининг фаолияти ҳақида, ўзларининг яқинда Покистонга қилган сафари, шу мамлакат раҳбарлари ҳамда афғон қуролли оппозициясининг бир қанча раҳбарлари билан қилган суҳбатлари тўғрисида сўзлаб бердилар. «Надежда» комитетининг делегацияси яқин кунларда Афғонистонга бориб, совет ҳарбий асирларини озод қилишда ёрдам беришни шу республика раҳбариятидан илтимос қилади.

М. С. Горбачев Афғонистондаги совет дипломатия хизматига комитет делегациясининг олижаноб миссияси муваффақиятли якунланиши учун ҳар томонлама ёрдам бериш вазифаси топширилади, деб таъкидлади.

Суҳбат чоғида совет ҳарбий асирларини Ватанига қайтариш билан боғлиқ айрим конкрет масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Учрашув ниҳоятда самимий ва рўй-ростлик вазиятида ўтди.

Учрашувда СССР Олий Совети Иттифоқ Совети Раиси Е. М. Примаков қатнашди.

(ТАСС).

ОБЛАСТЬ СОВЕТЛАРИНИНГ СЕССИЯЛАРИ

* * *

15 июль куни Бухорода халқ депутатлари Бухоро область Совети сессияси билан область касаба союзлари Совети пленумининг қўшма мажлиси бўлди. Мажлисда «Уй-жой — 2000» программасини бажариш вазифалари кўриб чиқилди. Уй-жойларни тақсимлаш вақтида социал адолат принципларига риоя этилишига алоҳида эътибор берилди.

Қўшма мажлис ишида Бухоро область партия комитетининг биринчи секретари Д. С. Едгоров иштирок этди.

* * *

Халқ депутатлари Самарқанд область Советининг 15 июль куни бўлиб ўтган сессиясида область ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг ҳисоботи тингланди. Шунингдек, совет органларига юборилаётган таклифлар ва танқидий мулоҳазалар юзасидан қандай ишлар қилинаётганлиги кўриб чиқилди.

Сессияда Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари А. С. Икромов нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

Республикани социал-иқтисодий ривожлантириш программаси лойиҳаси — умумхалқ муҳокамасида

ДАВЛАТ МАБЛАҒИ ТЎҒРИ САРФЛАНСА

Ўзбекистон ССРни социал-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш программаси лойиҳасини билан танишиб, икки масала ҳақида фикр билдиришни лозим топдик. Биринчиси, партия ва ҳукуматимиз келгуси беш йиллиқда регионда халқ фаровонлигини ошириш ҳақида катта ғамхўрлик кўрсатаётганидан мамнун бўлдик.

Иккинчидан, Ўрта Осиё темир йўлининг Меҳнат — Жиззах — Суперфосфат — Бухоро йўналишида, жами 1200 километр узунликдаги йўлда поезд ўтказиш қобилиятини яхшилаш мақсадида электрлаштириш ишлари олиб бориш кўзда тутилаётгани қизиқроқ туюлди. Бу ишга давлатнинг жуда катта маблағи сарф этилади, албатта. Бизнингча бундай катта қурилишга ҳозирча жиддий зарурат йўқ. Ҳозирча мавжуд йўл бугунги талабни қондириб турибди.

Катта қурилишга қўл уриб, миллионларни сарфлагандан кўра, шу маблағни жуда зарурат сезилаётган чорвачиликни ривожлантиришга, уй-жой қурилишига, соғлиқни сақлаш муассасаларини тиклашга сарфлаш маъқул бўлур эди, деб ҳисоблаймиз.

А. НЕФЕДОВ,
юрист,
Л. НЕФЕДОВА,
педагог.
Жиззах шаҳридан.

АНИҚЛИК КИРИТИЛСА

Касбим нефтчи-инженер бўлганлиги учун программа лойиҳасининг химия ва ёқилғи-энергетика комплексларини ривожлантиришга бағишланган бўлимларини, айниқса синчиклаб ўргандим. Маълумки, республикамизда халқ хўжалигини ёнилғи ва электр энергияси билан таъминлашга катта эътибор бериляпти. Зеро, ёнилғи замонавий ишлаб чиқариш комплексининг «қони»дир. Фарғона областида нефтни қайта ишлаш саноатининг йирик корхоналари жойлашган бўлиб, улар халқ хўжалигига турли ёнилғи маҳсулотлари етказиб берадилар

Айни пайтда бу корхоналарни реконструкциялаш, ишлаб чиқариш қувватларини ошириш бўйича салмоқли ишлар қилияпти. Бироқ лойиҳада нефть-химия саноатини ривожлантириш масалаларига етарли даражада эътибор берилмаган. Ваҳолонки, бу тармоқда ҳал этилмаган муаммолар кўп. Масалан, қарийб 10 йилдан буён «Фергананефтеоргсинтез» бирлашмасига нефть хом-ашёсини қувурларда келтириш масаласи ҳал бўлмаяпти.

1976 йилда лойиҳалаштирилган «Чордара — Фарғона» магистраль нефть қувури қурилиши айрим сабабларга кўра охирига етказилмаяпти. Ҳозирги пайтда бирлашма ҳар куни 15 минг тоннадан ортиқ нефть хом ашёсини Ғарбий Сибирдан цистерналарда ташиб келишга мажбур бўляпти. Бир тонна нефтни ташиб келтириш корхонага уч-тўрт сўмга тушади. Нефтни бундай усулда ташиш, омборларга қуйиш пайтларидаги буғланиш туфайли атроф-муҳитга зиён етяпти. «Фергананефтеоргсинтез» бирлашмаси атмосферага ҳар йили 64 минг тоннадан ортиқ зарарли моддалар чиқариб ташлаяпти.

Магистраль нефть қувури эса корхонани хом-ашё билан узлуксиз таъминлаш, маҳсулот таннархини камайтириш, бир қанча экологик муаммоларни ечиш имконини берарди. Шу билан бирга корхона тўлиқ қувватда ишлар, бу эса қўшимча минглаб тонна нефть маҳсулотлари демакдир.

Программа лойиҳасида республика нефть химияси комплексини ривожлантириш йўллари ҳам белгилаб берилса, «Чордара — Фарғона» магистраль нефть қувури қурилиши масаласига аниқлик киритилса, айни муддао бўлар эди.

Б. МИРЗАБОЕВ,
«Фергананефтеоргсинтез» ишлаб чиқариш бирлашмаси инженери.

ВРАЧ БИЛАН ҲАМФИКРМАН

Биз, қорақалпоғистонликлар Оролни асраб қолиш юзасидан партия ва ҳукумат кўраётган катта тадбирлардан хурсандмиз. Ҳақиқатдан ҳозир Оролбўйида экологик вазиятни яхшилаш учун кенг кўламдаги ишларни бажаришга киришилди.

Бу ҳақда Ўзбекистон ССРнинг социал-иқтисодий ривожланиш программаси лойиҳасида ҳам кенг мулоҳаза юритилган. Қорақалпоғистон АССР аҳолиси фаровонлигини яхшилаш, иқтисодий ривожланишини тезлаштиришга оид кўп тадбирлар кўзда тутилган. Бироқ районда гидролиз заводи қурилиши ҳақидаги сатрларни ўқиб, автоном республика санитария-эпидемиология станцияси врачи С. Утееванинг «Советская Каракалпакия» газетасида босилган мақоласини эсладим. Мақола муаллифи экология вазияти танг регионда завод қурилишига рухсат бермаганини маълум қилганди. Программа лойиҳасида эса гидролиз заводи қурилишини тезлаштириш ҳақида гап боряпти.

Қайси фикр маъқул? Оролбўйида истиқомат қилувчи пенсионер сифатида мен санитария врачи билан ҳамфикр эканимни таъкидлайман.

Р. БОЛТАБОЕВ,
Қорақалпоғистон АССР, Хўжайли райони.

• *Бугун — Металлурглар куни*



ЭЪЗОЗ

Металлург мамлакатимиздаги энг ардоқли, энг шарафли олижаноб касблардан бири. Улар мураккаб шароитларда, олов билан рўбарў туриб, она-Ватанимиз учун жуда зарур маҳсулотни ишлаб чиқарадилар. Негаки, мамлакатимизнинг техникавий потенциали кўп жиҳатдан металлургияга боғлиқдир. Шу боис бу тармоқни ҳақли равишда саноатимиз пойдевори деб атаймиз. Зеро, металлургия Ватан техника тараққиётини жадаллаштиришни учун модий негиз яратади.

Совет Иттифоқи металл ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда биринчи ўринда турибди. Афсуски, биз чет элдан қувур, прокат ва бошқа хил металл буюмлари сотиб олишга валюта ажратишга мажбур бўлмоқдамиз. Чунки, бизданги металл ўзимизга етмаяпти. Ўртоқ М. С. Горбачев таъкидлаб ўтганидек, ҳозирги пайтда мамлакатимиз миллий даромад бирлигига ҳисобланганда электр энергияси, ёқилғи, металлни жуда кўплаб сарфламоқда. Металл ишлаб чиқариш жадаллаштирши бу муаммони ҳал эта олмайди. Вазифа — металлургияда устун йўналишларни белгилаш, структуравий ўзгаришларни ясаш, меҳнатни ташкил этишнинг илғор усулларини жорий этишдан иборат. Бу йўлда муайян қадамлар қўйилмоқда. Жумладан, СССР Олий Совети қарори билан мамлакат қора ва рангли металлургия министрликлари бирлаштирилди. «Металл сарфи» тармоқ программаси қабул қилинди. Сиз юқоридаги суратда Ўзбекистон металлургия заводининг сорт-прокат цехида ишловчи мастер У. Усенков (чапдан учинчи) бошлиқ смена коллективини кўриб турибсиз. Бу коллектив ижара пудрати асосида ишлашга ўтиб, ҳозир план топшириқларини 110—115 процент адо этаётир.

А. ЗУФАРОВ суратк.

КОМЕНДАНТЛИК СОАТИ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

ИСФАРА (Ленинобод области), 14 июль. (ТожикТАСС). Тожикистоннинг Исфара районидаги вазият ғоят кескинлашди. Бу ерда тожик ва қирғиз аҳолиси вакиллари ўртасида катта тўқнашув бўлди.

Икки республика ўртасидаги чегарада жойлашган территориядаги айрим участкаларда ер ва сувдан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги эски баҳс можарога олиб келди. Қирғизлар ва тожиклар қадимдан Матчойи канали бўйида яшаб келишмоқда, шу йил ана шу каналдан умумий фойдаланиш бузилди. Қирғиз аҳолиси баҳс боиси бўлган территориянинг умумий участкасини ўзлаштиришга киришгани сабабли тожик томони ҳам шунга яраша жавоб қайтарди. Республикалар ўртасидаги Матчойи канали қисман бузилди ва каналга тошлар отилди. Оқибатда экинзорларга катта зарар етказилди.

Маҳаллий органлар илгари пухта ўйламай, бир қанча қарорлар қабул қилиб, қўшни томон билан жўяли келишиб олмай, янги посёлкалар қуриш ва ерларни ўзлаштиришга ижозат берганлиги оқибатида аҳвол мушкуллашди. Кўпгина муҳим масалаларни ўзбошимчалик билан ҳал этишга уриниш, жумладан сув бериш, энергия таъминоти, ўзга территорияда йўллар қуриш ва бошқалар қарама-қаршиликка дуч келиб, можароли вазиятни пайдо бўлишига ёрдам берди.

Келишмовчиликлар сўнгги уч ой мобайнида, айниқса кескин тус олди. Шу давр мобайнида Тожикистоннинг Ленинобод области ва Қирғизистоннинг Ўш области партия, совет ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари можарони тийиб қўйиш учун катта иш қилдилар.

Аммо шунга қарамай, аҳолининг ер ва сув ҳақидаги баҳсни мустақил тарзда ўз фойдасига ҳал қилиш учун уриниши шунга олиб келдики, 13 июль куни кечқурун чегарадаги территорияда Ленинобод областидаги Ворух ва Чорқу қишлоқ Советлари аҳолиси билан Ўш областининг Самарқандиқ қишлоқ Совети аҳолиси ўртасида тўқнашувлар бўлди. Бу тўқнашувларда минглаб одамлар қатнашди. Ўқ отар ва совуқ қуролдан фойдаланилди. Оқибатда 19 киши яраланди. Яралардан бири кейинчалик вафот этди.

Тожикистон ССР Олий Совети Президиуми вазиятнинг фавқулодда мураккаблигини ҳисобга олиб, оқибатлари ниҳоятда оғир бўлиши мумкин бўлган воқеаларнинг бундан буёнги ривожи пайини қирқиш мақсадида ўз фармони билан Исфара районининг Ворух, Чорқу ва Сурх қишлоқ Совети территорияларида комендантлик соатини жорий этди. Ҳозирги вақтда можаро содир бўлган зоналардаги вазиятни республика Ички ишлар министрлигининг бўлинмалари назорат қилиб турибдилар.

Воқеа содир бўлган жойга Қирғизистон ва Тожикистон Компартиялари Марказий Комитетларининг биринчи секретарлари А. М. Масалиев ва К. М. Маҳкамов, Қирғизистон ва Тожикистон ССР Министрлар Советларининг Раислари А. Д. Жумағулов ва И. Ҳ. Ҳаёев келдилар. Исфара районига СССР Олий Советининг депутатлар комиссияси ҳам келган.

Демократиялаш ва ошкоралик жараёни кўпгина етилган муаммоларни очиб ташлади, бу муаммолар дарҳол жамоатчиликнинг диққат марказига тушди. Тожикистон ва Қирғизистонда ер ва сув ниҳоятда тақчил бўлиб турган бир шароитда улардан фойдаланишдек ана шу мураккаб масалани ҳал этиш йўллари қидирилаётганида сира шошма-шошарлик қилиб бўлмайди, босиқ-вазминлик билан оқилона муроса йўлини қидириш лозим.

Партия, совет, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳозирги вақтда Исфара районида кўрилаётган тадбирлар ана шундай ечимни қидиришга киришишга, можарога бош қўшган барча томонларнинг талабларини қондирадиган йўлларни очиб беришни мумкин бўлган позицияларни аниқлаб олишга имкон беради. Шу йўналишдаги иш давом этмоқда.

ЭЪЗОЗ

Партия ишини қайта қуришнинг моҳияти нималардан иборат? Партия ташкилотларида қолоқлик ва турғунликка нисбатан муросасизликни, ишда янгилик руҳини қандай вужудга келтириш мумкин? Ҳар бир партия ташкилоти — республика ташкилотидан то бошланғич ташкилотгача КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель Пленуми йўлини амалга ошириш учун фаол курашмоғи, ўз фаолиятининг шакл ва методларини янгилаш муҳитида яшамоғи керак. Бу мақсадни барча коммунистларнинг куч-ғайрати билангина, партиянинг ўз ичида демократизмни бутун чоралар билан ривожлантирш, ҳамма поғоналарда коллектив раҳбарлик принципини амалга оширш, танқид ва ўз-ўзини танқид, контролни, ишга масъулиятли муносабатни авж олдириш йўли билангина рўёбга чиқариш мумкин. Ана шундагина биз ҳар бир партия ташкилоти, лавозимидан қатъи назар ҳар бир коммунист фаолиятида турғунликка, қолоқликка муросасизликни, ҳамиша янгиликка интилиш руҳини вужудга келтира оламиз. Сурхондарё область партия ташкилотлари фаолиятида бу борада қандай ўзгаришлар бўляпти, «Ленин байроғи» газетаси уларни ўз саҳифаларида қандай акс эттиряпти? Қуйида ана шулар ҳақида гап боради.

КАДРЛАР МАСАЛАСИ. «Бу йилги кадрлар резерви рўйхати тепасида «Мутлақо махфий» деган сўзларни кўрмайсиз. Биз уларни бутунлай ўчириб ташладик. Ахир эндиликда бундай тақиқловчи кўрсатмаларга ҳеч қандай ҳожат қолмади», — деб ёзади Бойсун район партия комитети ташкилий бўлими мудири Ф. Ҳамдамов «Кадрлар резерви» сарлавҳали (1988 йил 1 июнь) мақоласида. Муаллиф резервдаги кадрлар ўзига хос синовдан ўтишаётгани, вақти-вақти билан стажировкада бўлишаётгани, партия-хўжалик активи мактабларида рефератлар ёзиб ҳар хил масалалар тайёрлашда фаол қатнашишаётгани, умуман райкомнинг бу борадаги иш тажрибаси ҳақида ёзади. Партия ходими бўлганлиги учун ҳам у ушбу мавзуни қизиқарли қилиб аниқ мисоллар асосида, атрофлича ёритиб берган.

Газета бир район мисолида кадрлар резерви билан ишлаш тажрибасини ёритиб тўғри иш қилган. Зеро, кейинги йилларда кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойга қўйиш, кадрлар резерви билан ишлашда ошкоралик ва демократиялашга эришиш барча партия ташкилотларида долзарб бўлиб турибди. Аммо область партия комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудири В. Голуб имзоси билан газетада босилган «Фаолиятимиз мезони» сарлавҳали (28 июнь) мақола хусусида бундай ижобий фикрларни айтиб бўлмайди.

Мақолада кадрлар масаласида шошма-шошарликка йўл қўймай, пухта ўйлаб иш кўраётган партия ташкилотлари анчагина эканлиги айтилади. Автор айрим партия комитетлари коллективлардаги аҳволни чуқур ўрганиш ўрнига кадрлар масаласини ҳал этишга юзаки ёндашмоқдалар, дейди-ю, лекин фикрини тасдиқлайдиган аниқ мисоллар келтирмайди. Область партия комитетининг ўзида ёки шаҳар, район, йирик корхона партия комитетларида кадрлар билан ишлашда ленинча ошкоралик принципи қандай қарор топтирилмоқда? Ҳақиқатан ҳам, «омма раҳбарларни сайлаш, алмаштириш, уларнинг ҳар қандай энг кичик қадамини ҳам билиш ва текшириш ҳуқуқига» эга бўляптими ёки йўқми? Область партия комитети, унинг ташкилий-партиявий ишлар бўлими кадрларни ошкора танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйиш, резервдаги кадрлар билан ишлаш соҳасида ўз иш услуби ва методларини янгилаяптими? Айнан шу ишларга мутасадди бўлган ва шу ҳақда газета орқали оммага ҳисоб бериши лозим бўлган партия ходими бу ҳақда ҳеч нарса айтмаган.

ПАРТИЯВИЙ ИШДА КОЛЛЕКТИВ РАҲБАРЛИК ПРИНЦИПИ. Шўрчи район партия комитетининг биринчи секретари В. Эшбоев «Ишда коллективчиликни қарор топтирмоқдамиз» сарлавҳали (24 сентябрь) мақоласида райком пленумларига ва актив йиғилишларига, бюро мажлисларига тайёргарлик кўриш, уларни ўтказиш савиясини ошириш борасида қилинаётган ишлар, аъзои райкомнинг шу хусусдаги тажрибаси тўғрисида сўз юритади. Район партия комитети ўз иш услуби ва методларини қай тариқа такомиллаштириб бораётгани ҳақида аниқ мисоллар билан ҳикоя қилади. Газета бир райком мисолида партия турмушида коллектив раҳбарлик принципи қай тарзда қарор топаётганини акс эттиргану, аммо бутун 1988 йил давомида биргина шу мақола билан кифояланган. Партия ташкилоти фаолиятида коллегиалликни таъминлашга доир навбатдаги мақола эса орадан анча вақт ўтиб, 1989 йилнинг март ойидагина эълон қилинган. Термиз район партия комитети биринчи секретари Ж. Абдулҳакимовнинг «Актив ва фаоллигини ошириб» сарлавҳали (10 март) ана шу мақоласида райком ўз иш фаолиятида коллегиалликка, сайлаб қўйиладиган активларнинг фаоллиги ва ташаббускорлигини оширишга қай тариқа эришаётгани конкрет, ёрқин мисолларда кўрсатиб берилади. Газетада партиявий таҳлил чуқур бўлган ана шундай материалларга кўпроқ ўрин берилиши керак эди. Бироқ бундай бўлмаган. Масалан, Бойсун район партия комитетининг, бошланғич партия ташкилотларининг эътибори ҳозир ижара пудратини кенг ёйишга қаратилган. Область газетасида район партия комитетининг биринчи секретари Т. Ҳамроев имзоси билан берилган «Истиқбол йўли» сарлавҳали (1989 йил 28 март) мақолада, шунингдек, саҳифа материалларида ижара пудратига ўтишда райкомнинг, райком аъзоларининг, умуман, коммунистларнинг ташаббускорлик роли кўрсатиб берилмаган. Масалага партиявий ёндашув йўқ. Секретарнинг мақоласи хўжалик ёки РАПО раҳбарининг мақоласича ўхшаб қолган.

Партия ишида коллегиаллик, коллектив раҳбарлик принципига бошланғич партия ташкилотларида, йирик корхоналар партия комитетларида қандай амал қилиняпти, бошқа район партия комитетларида аҳвол қандай? Бу ҳозир партия комитетлари фаолияти учун мезон бўлибгина қолмай, балки оммани ҳам қизиқтирадиган муҳим масалади. Шу боис газета мавзуни изчил ёритиши керак.

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ, КОММУНИСТЛАРНИНГ РОЛИ. «КПСС Марказий Комитети Тезислари — умумхалқ муҳокамасида» рубрикасида остида ўтган йили июнь ойида эълон қилинган материаллардан бир-иккитасини ҳам эслаб ўтайлик. «Долзарб палла масъулияти» сарлавҳали мақолада Термиз гўшт-сут комбинатида партиянинг бу муҳим ҳужжатини муҳокама қилишга бағишланган очиқ партия йиғилиши ҳақида гап боради. Йиғилишда область партия комитетининг секретари, комбинат бош инженери, бош технолог, бошланғич партия ташкилоти секретари, бош энергетик сўзга чиқишган. Шунисн ажабланарлики, йиғилишда бош инженердан бошқа ҳеч ким конкрет таклиф билдирмаган. Хўш, нега оддий ишчилар сўзга чиқишмади? Наҳотки, уларнинг дардлари, корхонадаги мавжуд муаммолар тўғрисида фикр-мулоҳазаларн бўлмаса? Очиқ партия йиғилишида ҳақиқатдан ҳам оддий меҳнат аҳли вакилларидан ҳеч ким сўзга чиқмаганми, таклиф билдирмаганми? Ёки область газетаси уларни унутганми?

«Якдиллик билан» сарлавҳали мақолада ҳам Термиз ишлаб чиқариш корхонасида бўлиб ўтган йиғилишда обком-лиш материаллари ва конструкциялари комбинати каби ташкилотларда эса жанговарлик кўригининг суст ўтаётганн танқид қилинган. Бироқ суҳбатлар чоғида коммунистлар билдираётган конкрет фикр-мулоҳазалар, таклифлар, улар ўртага қўяётган муаммолар ҳақида, партия ташкилотларининг қандай чора-тадбирлар белгилаётгани тўғрисида ҳеч нарса дейилмайди. Мақолада асосан жанговарлик кўригининг қай тартибда ўтаётгани ҳақида ахборот берилган, холос.

1988 йили партия ташкилотларида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов компанияси газетада қандай ёритилди? Газета ўзининг 21 октябрь сонида ҳисобот-сайлов йиғилишлари ҳақидаги хатларга обзорида ҳали ҳам баъзи партия ташкилотлари ҳисобот-сайлов йиғилишларига тайёргарлик ва уни ўтказишга эскича ёндашувдан қутула олмаганликлари, тайёрланган докладларда ишлаб чиқариш, хўжалик ҳаёти билан боғлиқ гаплар биринчи ўринга таҳлил қилиб кўрайлик. «Долзарб палла масъулияти» сарлавҳали мақолада Термиз гўшт-сут комбинатида партиянинг бу муҳим ҳужжатини муҳокама қилишга бағишланган очиқ партия йиғилиши ҳақида гап боради. Йиғилишда область партия комитетининг секретари, комбинат бош инженери, бош технолог, бошланғич партия ташкилоти секретари, бош энергетик сўзга чиқишган. Шунисн ажабланарлики, йиғилишда бош инженердан бошқа ҳеч ким конкрет таклиф билдирмаган. Хўш, нега оддий ишчилар сўзга чиқишмади? Наҳотки, уларнинг дардлари, корхонадаги мавжуд муаммолар тўғрисида фикр-мулоҳазаларн бўлмаса? Очиқ партия йиғилишида ҳақиқатдан ҳам оддий меҳнат аҳли вакилларидан ҳеч ким сўзга чиқмаганми, таклиф билдирмаганми? Ёки область газетаси уларни унутганми?

«Якдиллик билан» сарлавҳали мақолада ҳам Термиз ишлаб чиқариш корхонасида бўлиб ўтган йиғилишда обком-

• *Матбуот обзори*

АСОСИЙ МАВЗУ НЕГА УНУТИЛЯПТИ?

СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТЬ «ЛЕНИН БАЙРОҒИ» ГАЗЕТАСИДА ПАРТИЯ ИШИНИ ҚАЙТА ҚУРИШ МАВЗУСИНИНГ ЁРИТИЛИШИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

СЕКРЕТАРЬ БИЛАН СУҲБАТ

Область партия комитети ўз органига қандай раҳбарлик қилмоқда? Вақти-вақти билан газетанинг ҳисоботларини эшитиб, унинг фаолиятига тегишли баҳо бериб борадими? Обком редакция босмахонасидаги аҳволдан хабардорми? Область партия комитетида обкомнинг идеология бўйича секретари Т. Менглиев билан бўлган суҳбатда бизни шу каби саволлар қизиқтирди.

— Кейинги пайтда «Ленин байроғи» газетаси саҳифаларида партия ташкилотлари фаолияти таҳлил этиб берилган ёки партия ходимлари, партком, райком секретарлари имзоси билан берилган қандай материаллар сизга маъқул бўлди? Умуман, газетада партия турмуши мавзуининг ёритилиши ҳақида фикрингиз қандай? — деб сўрадик обком секретаридан.

Бироқ, таассуфки, бу ва бошқа саволларга обком секретаридан қаноатланарли жавоб ола билмадик. Начора, ҳозир ҳақиқатни ошкора айтадиган давр. Область партия комитетининг идеология бўйича секретарики, газетанинг фаолиятидан, унда партия ҳаётининг, партия ташкилотларида партия ишини қайта қуришнинг қай тарзда ёритилаётганидан бехабар экан, бошқа партия ходимларидан гина қилмаса ҳам бўлади. Шу боисдан ҳам кейинги икки-уч йил ичида обкомнинг бюросида ёки бирон бир пленумида газетанинг фаолияти ҳақидаги ҳисобот эшитилмаган.

Биз редакция босмахонасида ҳам бўлиб, цехларни айланганимизда бу ердаги аҳвол ниҳоятда ночор эканлигига амин бўлдик. Редакция ва босмахона ўртасида тузилган коллектив шартнома мунтазам бажарилмайди. Босмахонада сарлавҳа териладиган шрифтлар етишмайди. Цинкография, газета босиладиган ротация цехи сифатсиз маҳсулот чиқармоқда. Бошқа бир талай муаммолар йиғилиб қолган. Бу ҳақда редакция ходимлари область партия комитети бюроси аъзоларига бир неча марта маълум қилишганига қарамай, амалий ёрдам кўрсатилмаяпти. Бюро аъзоларидан бирор киши босмахона аҳволидан хабар олмаган, бошланғич партия ташкилоти йиғилишларида қатнашмаган. Газета эса ҳамон сифатсиз чиқарилмоқда. Полиграфик базани зудлик билан яхшилаш учун республика Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитетининг жиддий эътибори ва бевосита ёрдами зарур.

Буларнинг ҳаммаси область партия комитети билан унинг органи — газета ўртасида узвий, мустаҳкам алоқа йўқлигидан, обком матбуотга партиявий раҳбарликни бўшаштириб юборганидан далолат беради. Бундай аҳволни дарҳол тузатмоқ лозим.

О. НАЗАРОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН — ҲИНДИСТОН:

ГЕЛИОТЕХНИКЛАР ҲАМКОРЛИГИ

Қуёш энергияси билан ишлайдиган кухняни ишлаб чиқиш Ўзбекистон билан Ҳиндистон гелиотехникларининг биргаликдаги янги иши бўлади. Ўзбекистон Фанлар академияси физика-техника институти, илмий асбобсозлик марказий лойиҳа-конструкторлик технология бюроси билан Ҳиндистоннинг Бхавнагар шаҳрида жойлашган ҳамда тузлар ва денгиз ҳимияси билан шуғулланадиган марказий илмий-тадқиқот институтининг олимлари ҳамкорлик тўғрисида тузган шартномада шу нарса кўзда тутилган.

Ҳиндистонликлар ҳинд қишлоқларидаги жамоат ошхоналарини ана шундай кухнялар билан жиҳозлашмоқчи. Ўзбекистонлик олимлар қуёш нурлари концентраторлари тайёрлашда ўз зиммаларига оладилар, ана шу концентраторлар одатдагидек шишадан эмас, балки пластикдан тайёрланади. Ҳиндистонлик ҳамкасблар эса ана шу пластикни кўзгу билан қоплаш технологиясини етказиб берадилар. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра, бундай қуёш кухнялари шиша ишлатилган анъанавий кухняларга қараганда анча қулайроқ ва арзонроқ бўлади.

— Бу бизнинг ҳиндистонлик ҳамкасбларимиз билан бажараётган биринчи ишимиз эмас, — дейди илмий асбобсозлик марказий лойиҳа конструкторлик технология бюросининг директори Т. Д. Ражабов. Ҳали яқиндагина биз ҳиндистонлик дўстларимиз учун тайёрланган қуёш қурилмасини Бхавнагарга юбордик. Ана шу қурилма Ҳиндистоннинг тоғли ва чўл районларидаги олис қишлоқларни арзон электр энергия билан таъминлаб туради. Бизнинг конструкторларимиз қурилма учун жуда катта кўзгули концентраторларни, кузатиш блокини тайёрлаб бердилар. Ташқи ёниш двигателида (бу ҳам ўзимизда тайёрланган) иссиқлик энергияси электр энергиясига айлантирилади.

Валютасиз асосда амалга оширилаётган ҳамкорлик режаларига мувофиқ қуёш нури ёрдамида сувни чучуклаштирадиган, сув чиқариб берадиган қурилмалар яратилади. Пунадаги университет билан Калькуттадаги ядро физикаси институтининг мутахассислари ўзбекистонлик олимларнинг ишланмалари билан қизиқиб қолдилар. Улар электрон литография, зарядланган зарраларнинг ўзаро таъсири соҳасида биргаликдаги ишларни белгилаб қўйдилар.

И. ГРЕБЕНЮК,
УзТАГ мухбири.

Ўзбекистон ССРнинг Тиллар тўғрисидаги Қонуни лойиҳаси — умумхалқ муҳокамасида

ТИЛ ВА ҚОНУН

Демократия ва ошкоралик туфайли ўзбек тилининг ижтимоий функцияси, қадр-қиммати кун сайин ортиб боряпти, ўзбек ва бошқа миллий тилларни ўрганиш янги талаб, янги программа асосида амалга оширилмоқда, олий даражали кадрлар тайёрлаш ҳам изга тушиб кетди, ўзбек ва бошқа миллий тилларда кўплаб асарлар, шу жумладан репрессияга учраган ёзувчи, шоир, олимларнинг, тарихда тилга олинишга ҳам ҳадиксираган буюк алломаларнинг ўзбек тилидаги асарлари кашф этиляпти. Ўзбек мактабларининг юқори синфларида ўзбек тили дарслари тикланди, олий ўқув юртларида рус мактаблари учун ўзбек тили ўқитувчилари тайёрлаш мутахассислиги жорий қилинди.

Ўзбек тили ва адабиётини болалар боғчасидан тортиб олий ўқув юртларигача ўқитилишини назорат қилувчи ва ишга кўмаклашувчи ўқув-методик бўлим Тошкент университетида ташкил қилинди, деярли ҳамма олий ўқув юртларида рус группаларида ўзбек тилини ўқитиш кафедралари очилди ва ўзбек тилидан зачёт ва имтиҳон топшириш қонунлаштирилди. Ҳар бир идора, корхона, ўқув юртлари қошида рус ёки ўзбек тилини ўрганиш курслари ишлаб турибди, халқимиз зўр иштиёқ билан эски ўзбек ёзувини ўрганиш курсларида таълим оляпти (афсуски, бу курслар пулли, давлат бу хайрли ишга сарфланадиган харажатни ҳам ўз зиммасига олса бўларди). Ўзбек тилида сифатли янгиянги дарсликлар нашр этиляпти, шаҳар ва район Советлари қошида топонимик комиссиялар фаолият кўрсатиб, жойларни янгича номлаш бўйича қимматли тавсияномалар бериб турибди. Тожик, қозоқ ва бошқа миллий тилларда кўплаб янги мактаблар ва синфлар очилди.

Октябрь инқилобига қадар умуман ўқитилмаган ўзбек тили ҳозир мактаб ва олий ўқув юртларининг 75—80 фоизида ўрганилади ёки дарслар шу тилда олиб борилади.

1. Узоқ давом этган кескин ва қизғин тортишувлардан сўнг ўзбек тили давлат тилидир, деб эълон қилинишининг ўзи катта ютуқдир. Бу билан турғунлик даврларида ўзбек тилининг камситилишига чек қўйилди. Аслида 1924 йили Бутуниттифоқ Советларининг XII съезди қарорида расмий (давлат) тили сифатида ўзбек, рус, туркман, қирғиз тиллари, Ўзбекистон ССР ташкил бўлганда эса, ўзбек ва рус тиллари, сўнгра ўзбек тили расмий давлат тили деб эълон қилинди. 1937 йилдан кейин эса бу модда бутунлай туширилиб қолдирилгани ҳам сезмай қолдик.

Ўзбекистонда ўзбеклар 75 фоизни ташкил этади, 85 фоиз аҳоли ўзбек тилида бемалол сўзлашади. Шундай экан, Ўзбекистон республикаси учун ўз тили — ўзбек тилининг давлат тили бўлиши табиий ҳол. Аммо давлат тили статуси тушунчасининг ўзи юридик жиҳатдан аниқ бир маънога эга эмас. Аслида давлат тили — иқтисодий, сиёсий, юридик жиҳатдан имтиёзга эга бўлган тил бўлади. Аммо ҳар бир республикада истиқомат қиладиган ҳар бир халқ ўз ўрни, ўз қимматига эга, унинг тилини ҳисобга олиш, унинг ривожланишига имкон ва шароит туғдириш зарур. Бу — В. И. Ленин таълимотидан, Партия программаси ва Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси талабларидан келиб чиқади: бирор тилни давлат тили деб эълон қилиниши шу территорияда мавжуд бўлган бошқа тилларни камситишга олиб келмаслиги керак. Қонун лойиҳасини тузувчилар масаланинг ана шу нозик томонини ҳам инобатга олишга ҳаракат қилганлар: маориф. расмий иш қоғозларини юритишда ва муомалада, илмий иш ва матбуотда Ўзбекистон ССР территориясида истиқомат қилувчи ҳар бир халқ тилининг ҳуқуқларини белгилаб чиққанлар. Аммо бу тилларни қўллашда кўп чалкашлик ва мавҳумликлар ҳам кўзга ташланади. (Қаранг: 7-, 8-, 9-, 12-, 13-, 14-, 15-моддалар).

Камсонли халқ ва этник группаларнинг конкерт номлари лойиҳанинг VII бобида келтирилади. Булар — тожиклар, қозоқлар, қирғизлар, туркманлар, татарлар, қрим татарлари, уйғурлар, корейслар, турклар, Ўрта Осиё яҳудийлари ва бошқалар (?) экан. Аввало бу «бошқалари» кимлар? Ахир, Ўзбекистон территориясида юздан ортиқ тиллар мавжудку. Иккинчидан, олдинги ва кейинги моддалардаги имтиёз ва ҳуқуқлар шу санаб ўтилган тилларга тааллуқлими? Учинчидан, нега бу тиллар ўша моддаларда конкрет кўрсатилмай, бу тилда сўзлашувчи халқлар «ғуж бўлиб яшовчи миллий гуруҳлар» деб номланади. Аввало «ғуж бўлиб яшовчи» бу гуруҳлар ҳар вақт, авлод-аждодлари билан шу территорияда истиқомат қилиб (қрим татарлари, корейслар, месхети турклари бундан мустасно), Ўрта Осиё халқларининг маданиятини, илмини яратишда баробар ҳисса қўшиб келган туб маҳаллий халқлардир. Бу халқлар ва уларнинг тилларини конкрет кўрсатмаслик эртага республикамизнинг истаган жойида (районида, ҳатто маҳалласида) «ғуж бўлиб яшовчилар» кўрсатилган имтиёзларга даъвогар бўлиб чиқмайдиларми?

Рус тилига келсак, бу тил миллатлараро алоқа воситаси бўлиб қолади, бу ҳолат лойиҳада тўғри кўрсатилган. Бунинг учун СССР бўйича тузилаётган «Тиллар ҳақидаги қонун»ни кутиб ўтириш керак эмас. Ҳар бир республика, ўлка рус тилига бўлган муносабатини — расмий ҳужжатлар қабул қилишда ва муомалада рус тилининг ролини аниқ кўрсатиши зарур.

2. Лойиҳада тил эркинлиги шу даражада чегарасизки, бу ҳолат давлат тили имтиёзининг ҳам, моддаларда кўйилган чек-чегараниг ҳам бурдини кетказади: «Илмий ишни ўзбек тилида ёки... бошқа исталган тилда тақдим этиш ва ҳимоя қилиш ҳуқуқи» берилади (27-модда); расмий ҳужжатларни ўзбекча ёки «ўзлари билган бошқа тилда» беришлари (7-модда), «муомалада ўзбекча, русча ёки бошқа (?) тилни қўллашлари мумкин» (8-модда); «Миллий маданий жамиятларнинг расмий муҳрлари, штамплари ва бланкларининг матнлари (нега «матн»?, «матн»—илмий, адабий асарларнинг тексти устида ишланиб, нашр этилган асарларга нисбатан ишлатилади-ку) улар танлаган тилдан ташқари (бу қандай тил экан?) ўзбек тилида ҳам бўлиши шарт» (32-модда), ҳужжатлар ўзбек тилида «зарурат бўлганда (?) рус тилида ёзилади» (9-модда), мажлислар қўлланадиган тил «қонда тариқасида (?) ўзбек тилидир» (9-модда); ёзишмалар ўзбек тилида, «зарур бўлганда (?) рус тилида» (14-модда); республикадан ташқарига юбориладиган ҳужжатлар «русча ёки тегишли томонга мақбул тилда (?) ёзилади» (15-модда) ва бошқалар.

Бир томондан, «исмлар, ота исмлари ва фамилиялар бошқа тилларда берилганда уларнинг асл имлоси сақланиб қолади», иккинчи томондан, келаси абзацда ўша номларни «ёзишда ҳамда қўллашда миллатлар ва элатлар тайёрлаш, қўлланмалар нашр этишдан нарига ўтилмаган. Эски ўзбек ёзувини мактабларда ва олий ўқув юртларининг гуманитар бўлимларида, ҳеч бўлмаса, факультатив равишда ўқитиш, истовчилар учун курслар очиб қўйиш тўғрисидаги кўплаб таклифлар инобатга олинмабди.

4. Қонун лойиҳаси — олий даражадаги давлат ҳужжати, у Олий Совет сессиясида қабул қилинади, Олий Совет бу қонунни амалга ошириш муддатларини ўзи белгилайди (39-моддада кўрсатилганидек, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети эмас).

Қонун лойиҳасида «Хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари ўзбек тилини ҳам, рус тилини ҳам... билишлари шарт» (8-модда); муассаса ва ўқув юрти раҳбарлари, ўқитувчи ва тарбиячилари таълим бериладиган тилни билишлари шарт қилиб қўйилади (23-модда). Аммо бу талаблар қачондан кучга кириши керак, мактабларда ўзбек тили чала-чулпа ўқитилиши сабабли тилни ўргана олмаган ходимларга ўзбек тилини ўрганиш учун қанча муддат берилади — номаълум бўлиб қолган.

Бундан ташқари, олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг миллий группаларида дарсларни ўзбек тилида олиб бориш қонунлаштирилган. Аммо ҳозир техника, биология, медицина, физикага оид баъзи фанларни бирданига ўзбек тилига кўчириш мумкин эмас, чунки бу соҳаларга оид терминлар ва илмий услуб ҳозирча ишланмаган. Бунинг учун 3-4 йил керак. Худди шунингдек, мажлисларда синхрон таржима учун ҳам кўп техник воситалар зарур бўлади. Бунинг учун ҳам маълум муддат белгилаш даркор бўлади.

5. Қонун лойиҳаси мукаммал эмас. Лойиҳада ўзбек тилининг тозалигини сақлаш (телевидение, радиоэшиттиришларда шевачилик ва турли гализликларга йўл қўймаслик), икки ва кўп тиллилик масалалари, республикадан ташқарида ўзбек тилида дарс олиб бориладиган ўқув юртлари учун ва аксинча Ўзбекитон территориясида ўзбек ва рус тилидан бошқа тилларда машғулот олиб борилаётган ўқув юртлари учун ўқитувчи кадрлар ва ўқув қуроллари етказиб бериш тўғрисида республикалараро шартномалар тузиш, мактаб ва олий ўқув юртларида ҳужжатшунослик фанини ўқитиш, реестр белгилари ва қисқартма отларнинг имлоси тўғрисида, ташкилот раҳбарлари тиллар ҳақидаги қонуннинг ўз идораларида, муассасаларида ва ўқув-тарбия юртларида амалга оширилишига шахсан жавобгар эканликлари ҳақида алоҳида моддалар керак. Шу билан бирга, ўзбек ёки рус тилини маълум сабабларга кўра билмаслик Ўзбекистон ССРда гражданлик ҳуқуқини олишга монелик қилмаслиги хусусида ҳам алоҳида модда зарур.

6. Тиллар ҳақидаги қонун лойиҳасининг пухта бўлиши ва амалга ошиши учун нималар қилиш керак:

— Аввало жамоатчилик ва мутахассисларнинг фикрини ўрганиб, лойиҳани ҳаммабоп қилиш учун алоҳида бир комиссия тузиш лозим. Бу комиссияда Идеология комиссияси қошидаги тил группасига кирмаган холис мутахассислар бўлиши шарт;

— Лойиҳа тасдиқлангач, қонуннинг амалга оширилишини таъминловчи батафсил чора-тадбирлар белгиланиши, бу соҳада партия, совет органлари, ҳар бир министрлик, бошқарма ва идораниг вазифалари конкрет белгилаб чиқилиши зарур.

— Ўзбекистон ССР Олий Совети қошида Қонуннинг амалга оширилишига ёрдам берувчи ва назорат қилувчи махсус **Тилни ҳимоя қилувчи доимий комиссия** тузиш даркор.

— Ўзбек ва бошқа тилларнинг назарий ва амалий масалаларини ишлашни ўз ичига олган **Комплекс перспектив программа** ишлаб чиқиш, Республика **тилшунослар жамиятини** тузиш ва унинг низомини ишлаб чиқиш даркор.

Бу чора-тадбирлар Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қошида **Терминология комитети** ҳам **Топонимика комиссиясини** тузиш ва алоҳида **Тилшунослик институтини** очиш масаласи билан боғлиқ.

Ғ. АБДУРАҲМОНОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси.



ЁШЛАР — КЎЧА ҲАРАКАТИ БИЛИМДОНИ

ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИ. Ғузор районидаги ҳаваскор ёш автоинспекторлар «Светофор» республика телевизион программасида ўтказилаётган мусобақаларда уч йилдан бери суруиксасига совриндор ўринларни эгаллаб келмоқдалар. Бунда район ички ишлар бўлими давлат автомобиль инспекцияси ходимларининг ҳиссаси катта. Улар ўз хизмат вазифаларидан ташқари ўқувчиларга хавфсизлик ҳаракати қоидаларини ҳам мунтазам ўргатиб боришяпти. Бу борада айниқса милиция капитани Бозорбой Шералиев ибратли иш олиб бормоқда. Шунинг учун ҳам унга Ўзбекистон ССР халқ таълими аълочиси деган шарафли унвон берилди.

Мактабларда таътил кунлари давом этаётган бўлишига қарамай, ёш автоинспекторларнинг машғулотлари ўтказилиб турибди. Бу эса йўлтранспорт ҳодисаларининг анча камайишига олиб келди. Чунончи Ғузор районида кейинги пайтларда йўл ҳаракатида юз берадиган бахтсиз ҳодисалар анча қисқарди. Бундай хайрли иш областнинг бошқа шаҳар ва районларида ҳам яхши йўлга қўйилса дуруст бўлур эди.

Суратда: Ғузор район ички ишлар бўлими давлат автоинспекцияси бошлиғи, милиция капитани Бозорбой Шералиев Муқимий номидаги ўрта мактабнинг «Чайка» ёш автоинспекторлар командаси билан машғулот ўтказаётган пайт. Мазкур команда 1988—1989 ўқув йилида «Светофор» телевизион программасининг ғолиби бўлиб чиқди.

Ш. ШАРОПОВ сурати.
(ЎзТАГ).

«02» ХАБАР ҚИЛАДИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ИЧКИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИ МАТБУОТ МАРКАЗИ АХБОРОТИ

Пул сақлаб қолинди

Тунги соат икки яримларда Термиз шаҳар ички ишлар бўлимининг марказлашган соқчилик пультида шаҳар халқ маорифи бўлими кассаси жойлашган хонага кимдир киргани ҳақидаги ташвишли хабар пайдо бўлди. Хиёл ўтмай етиб келган кучайтирилган наряд кассада пихини ёрган ўғрилар иш кўрганини сезди. Улар арзимас дақиқалар ичида эшикни бузиб, пўлат қутини очишган ва у ердаги пулни ўмариб кетишга улгуришган.

Шошилинч таъқиб уюштирган милиция ходимлари Коммунистик кўчасида яширинишга уринаётган икки кишини пайқаб қолишди. Тўхташ ҳақидаги талабга бўйсунишдан бош тортганларидан сўнг ҳавога огоҳлантирувчи ўқ узилди. Елкадаги қопни ташлаб қочган номаълум кимсалар қоронғиликдан фойдаланиб кўздан ғойиб бўлишди. Қопда 99.100 сўм пул борлиги аниқланди.

Хавфли жиноятчиларни қидириш ва қўлга олиш мақсадида махсус режа ишга солинди. Тунги соат 3 дан 30 минут ўтганда шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи ўринбосари, милиция катта лейтенанти Х. Норқулов, милиционерлар Н. Қораев ва А. Кўчқоровдан иборат группа Карпов номли мактаб территориясида шубҳали шахсларга дуч келишди. Милиция ходимларининг қонуний талабларига итоат этишни истамаган кишилар уларга болта билан ташланишди. Яна қуролдан ҳавога ўқ узишга тўғри келди. Фойдаси бўлмагач, хавфли жиноятчиларни зарарсизлантириш мақсадида улардан бири оёғидан ярадор қилинди. Довдираб қолган шеригини тутиш билан банд бўлинганда, яраланган шахс яширинишга муваффақ бўлди. Зудлик билан барча касалхоналарга хабар берилди. Тунги соат тўртлардан ўтганда, ўқотар қуролдан яраланган кишининг дараги чиқди. Тиббий ёрдам кўрсатилгандан сўнг у ҳам ушланди.

Илгари судланиб чиққан бу шахслар иши юзасидан текшириш олиб борилмоқда. Пул эса қонуний эгаларига қайтарилди.

Ташвишли рақамлар


Жиноят қидирув соҳаси бўйича шу йилнинг олти ойида республикада 25 минг 705 жиноят рўйхатга олинди. Бу ўтган йилнинг худди шу муддатига қараганда 5.805 та (29,17 фоиз) кўпдир. Жиноятчилик Фарғона областида 48, 37, Қашқадарёда 40,18, Самарқандда 36,66, Сурхондарёда 34,18, Тошкент областида 34,68, Тошкент шаҳрида 34,10, Хоразм областида 30,68, Бухорода 30,15 фоиз ўсган.

Балогатга етмаганлар ўртасида ва жамоат жойларида содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар сонининг ўсиб бораётганлиги жиддий ташвиш уйғотмоқда. Шу йилнинг ярмида балогатга етмаганлар 1892 та жиноятга қўл уришди. Бу ўтган йилгидан 13,02 фоиз кўпдир. Жамоат жойларида 7.333 та жиноят юз бергани қайд қилинди. Унинг ўсиши 61,48 фоизни ташкил этди. Шу жумладан жамоат жойларида қасддан одам ўлдириш (суиқасд билан) 82,69, номусга тегиш 76,92, шахсий мулкни ўғирлаш 63,37 фоизга ортди.

Жиноят турлари бўйича қуйидаги рақамларга газетхонлар эътиборини жалб қиламиз.

Балки келтирилган ушбу рақамлар айримлар кўнглига гулгула солиши мумкин. Лекин жиноятчиликдаги ҳақиқий ҳолатни билмай туриб, унга қарши курашда ҳар бир кишининг иштироки нақадар зарурлигини англаш, милиция олдида турган муаммо ва ташвишларни ҳис қилиш қийин.

Баҳодирни кўрганлар борми?



Тошкент шаҳар Акмал Икромов район ички ишлар бўлими 1953 йилда туғилган Баҳодир Тошпўлатович Мирҳаитовни қидирмоқда. Тошкент шаҳар Акмал Икромов район Дадил кўчаси 91-уйда яшаган Б. Мирҳаитов 1989 йил 3 июнь куни эрталаб соат 6 да чиқиб кетган ва дом-дараксиз йўқолган.

Белгилари: бўйи 170 см, ўртача гавдали, сочи қора, қошлари ёйсимон, мўйлаб қўйган. Эгнига пижама кийган бўлиб, оёғида туфли бор эди. Қорнининг ўнг томонида кўричак операциясидан қолган чандиқ бор.

Б. Мирҳаитов ҳақида билганларингизни 02, 42-36-15, 42-38-95 рақамли телефонлар орқали хабар беришингизни сўраймиз.

Ғ. БОЛТАБОЕВ,
милиция капитани.

МЕДИК — КАРТИНАЛАР МУАЛЛИФИ

Соғлиқни сақлаш Гулистон бўлими ходими Илҳомжон Усмонов билан шаҳар санъат билим юрти студенти Одилбек Ҳайдаровни тасвирий санъатга қизиқиш бирлаштирди.

Сирдарё область Навоий номидаги зона кутубхонасида икки рассомнинг рангтасвир асарлари кўргазмаси очилди. Биринчи куниёқ кўргазмага юзлаб гулистонликлар ва шаҳар меҳмонлари келишди.

Ўз истеъдоди ҳамда асосий ишдан бўш вақтларини қишлоқ меҳнатчилари ҳаётини, жонажон ўлка табиатини бадиий ифодалашга бағишлаган И. Усмоновнинг картиналари туркуми шаънига фикр-мулоҳазалар китобида айниқса кўп илиқ сўзлар битилди.

Кутубхонанинг кўргазма зали тинмай ишлаб турибди. Бу ерда маҳаллий профессионал ва ҳаваскор рассомларнинг кўргазмалари, республика турли шаҳарларидаги мўйқалам усталарининг вернисажлари мунтазам уюштириб турилади. Кутубхона бадиий кўргазмалар республика дирекцияси билан доимо алоқададир. Ана шу алоқа туфайли гулистонликлар Ўзбекистоннинг ҳозирги рассомлари ижоди билан танишиш имкониятига эга бўлмоқдалар.

(ЎзТАГ).

• Долзарб мавзуда суҳбат

ҒАМХЎРЛИК УЧУН РАҲМАТ!

Ўқув юрти даргоҳлари гавжумлашиб қолди. Юзлаб, минглаб абитуриентлар қувончли ва ташвишли онлар билан яшамоқдалар. Айрим олий ўқув юртларида янги мутахассисликка ҳужжат топширилмоқда. Бу янгиликлар нималардан иборат. Биз шу мақсадда Нукус Давлат университети ректори, химия фанлари номзоди Ў. УТЕНИЕЗОВга мурожаат этдик.

— Республикамизда атроф-муҳитни муҳофаза қилишга катта эътибор берилаётганини мамнунмиз. Аммо шундай бўлса-да, даволаш-профилактика муассасаларининг, айниқса қишлоқ районларида даволовчи педиатр ва врачларнинг етишмаслиги асосий муаммодир. Ҳар йили турли ихтисосдаги 3500 врач медицина институтларини тугаётган бўлса-да, Ўзбекистонда 18 минг тиббий кадр етишмайди. Бундан ташқари, мавжуд мутахассислардан 10 минг аёл врач хомиладорлиги ва ёш боласи борлиги туфайли йил давомида ишламайди. Бунга аҳоли сонининг йилдан-йилга ошиб бораётганлигини қўшсак, врачларга бўлган ҳозирги талаб ва эҳтиёжнинг нақадар катталигини тушуниш мушкул эмас.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика ҳукуматининг ёрдами ва СССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг қўллаб-қувватлаши туфайли Ўзбекистондаги маҳаллий йигит-қизлар Россия Федерацияси ва Украина ССРдаги медицина институтларига юборилмоқда. Ихтиёрий равишда РСФСРдаги 20 дан зиёд билим масканида 1575, Украинада эса 200 нафар йигит-қизларимиз таҳсил оладилар. Абитуриентларни конкурсдан ташқари қабул қилиш Тошкент шаҳрида амалга оширилади.


Бу борада Автоном республикамиз йигит-қизлари учун ҳам қулайликлар бор. Тошкент, Самарқанд, Андижон медицина институтлари ва Ўрта Осиё педиатрия институтида ўқишни хоҳлаган ёшлар шаҳарма-шаҳар юриб, вақтни бой беришдан халос бўлдилар. Қорақалпоғистонлик абитуриентлар мазкур институтларга ҳужжатни ва кириш имтиҳонларини Нукус Давлат университетининг ўзида топширадилар.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳақида айтиб ўтган эдим. Бу йилдан бошлаб университетимизда атроф-муҳит муҳофазаси мутахассислиги бўйича ҳам студентлар қабул қиляпмиз. Шу билан бирга ҳуқуқшунослик, журналистика, рус мактабларида қорақалпоқ тили бўйича мутахассислар тайёрлашга киришилгани қувончлидир.

Автоном республикамиз йигит-қизларини марказий олий ўқув юртларида таҳсил олишга юборишдек қабул салмоғи ортди. Тошкент, Фарғона, Бухоро, Самарқанд, Наманган педагогика институтларида ўқиш учун конкурсдан ташқари қабул ҳам қизғин бораётир.

Абитуриентлар шу кунларда ҳаяжонли лаҳзаларни бошдан кечирмоқдалар. Бу йил ҳам аввалгидек билимли ёшларгина олий ўқув юртларига қабул қилинади. Университетимиз бўсағасида турган ана шундай абитуриентларга сабот тилаймиз.

ҚАРДОШЛИККА БАХШИДА УМР



Жўшқин инқилобий руҳ, инсон бахт-саодати учун кураш тўлқинлари тобора янгидан-янги кучларни ўзига жалб этарди. Ана шундай сертошқин ва пўртанали бир даврда ёш Ғани ҳам инқилобчилар сафига қўшилди. Октябрь революцияси ғалабасини таъминлаш ва уни мустаҳкамлаш ишида фаол иштирок этди.

Ғани Алиевич Қайдани 1889 йилнинг май ойида Бошқирдистоннинг Уфа губернасида дунёга келди. У туғилиб ўсган онла камбағал ва меҳнаткаш эди. Аксига олиб оила боқувчисиз қолди. Ота 1895 йилда вафот этди. Рўзғор тебратиш кичкинагина Ғанининг зиммасига тушди. Мусулмон мактабларида ўқиди, мустақил билим олиш билан шуғулланди. Оренбургга келиб йиллик ўқитувчилик курсига ўқишга кирди ва қишлоқ ўқитувчиси бўлиб ишлаш ҳуқуқига эга бўлди.

Биринчи жаҳон уруши ёш Ғанида катта ҳаётий таассурот қолдирди, Меҳнаткаш халқнинг зиммасига тушган бу қонли уруш чор ҳукуматининг эксплуатация қилувчи синфати жабр ва зулм сиёсати эканлигидан далолат берарди.

Октябрь ғалабаси ишчи-деҳқон ҳокимиятини вужудга келтирди. Совет ҳокимиятининг дастлабки ҳужжати — тинчлик ҳақида Декрет қабул қилинди. Бу Ғани ва у сингари миллионлаб жабрдийдаларнинг орзу-умиди эди.

1918 йили Ғ. А. Қайдани Андижонга келди. Андижон уезди шаҳар ижрокоми масъул секретари бўлиб иш бошлади. Шу йилнинг апрель ойида Ғани Алиевич ҳаётида унутилмас воқеа юз берди. У Қизил гвардия сафига қабул қилинди ва 6-отряд бошлиғи бўлди. Қизил гвардия ва ишчи-деҳқон Қизил армияси сафидаги хизмати даври Г. А. Қайдани учун ватанпарварлик ва интернационализмнинг шонли мактаби бўлди. Ана шу ерда у турли миллат вакилларининг ягона мақсад учун — инсон бахт-саодати, ҳақ ва ҳуқуқи учун кураш фақат маълум бир миллат учунгина эмас, аксинча бутун жамият аъзолари учун шон-шараф иши эканлигини ҳис қилди.

Гражданлар уруши даврида Туркистондаги Қизил армия отрядларида маҳаллий миллат жангчилари йўқ эди. Ана шундай пайтда ўзбек-лар,қозоқлар, қирғиз, қоракалпоқ, тожик ва туркманлардан иборат Қизил армиянинг кўнгилли миллий қисми вужудга келди. Ғани Алиевич ишчилар синфининг интернационал иттифоқигина душман устидан ғалаба қилишини яхши биларди ва бутун куч-ғайратини ана шундай иттифоқ тузиш ишига сафарбар этди. У Андижонда оқ гвардиячиларни тор-мор этишда алоҳида жонбозлик кўрсатди.

Ғ. А. Қайдани 1919 йил март ойида большевиклар партияси сафига кирди. Шундан сўнг у ўлканинг энг долзарб жойларида фаолият кўрсатди.1920—1922 йилларда Ўқитувчилик қилди, «Янги шарқ» газетасида муҳаррир бўлди. Фарғона ва Сирдарё областларида ёш Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва экономикани юксалтиришда катта ташкилотчилик ишлари олиб борди.

1923 йил май ойида Ғ. А. Қайдани Бухоро Компартияси Марказий Комитети ихтиёрига юборилди. «Озод Бухоро» газетасида адабий ходим бўлиб иш бошлади. Коммунистик ячейка раҳбари қилиб сайланди. Касаба союз ва партия ташкилотларини фаоллиятида актив иштирок этди. У ўз тажрибасини ошириш ва билимини мустаҳкамлаш учун доим изланди, қунт билан ўз устида ишлади. Аҳоли ўртасида ташвиқот ишларини олиб борди. Атеистик пропагандани ривожлантириш ишида қатнашди. Ғани Алиевич Ленин партияси сафида туриб, унга қандайдир имконият яратишини эмас балки зиммасига масъулият ва улкан вазифа юкланишини юракдан ҳис этарди. Шунинг учун бутун имкониятини, билими ва тажрибасини қардошлар диёрида инқилоб тобора чуқур илдиз отиб бориши учун курашга сафарбар этди.

Ғани Алиевич Ленинградда олий кооператив курсида ўқиди. Ўқишдан қайгач, 1930—1937 йилларда «Ўзбекбирлашув» кооператив иттифоқининг директори, Самарқанд Давлат университети ва Педагогика фанлари академияси доценти бўлиб ишлади.

1937 йилнинг репрессия шамоли Г. А. Қайданини четлаб ўтмади. У ана шу фожиали гирдобга тушди. Ғани Алиевич «Ўзбекбирлашув» ўқув комбинатида контрреволюцион ғояларни ташвиқ қилганлигида айбланди. И. А. Зелинский ва Ф. Хўжаевларнинг ишларини ўқув программасига киритгани «Айби устига айб» бўлиб қўшилди. Машаққатли кунлар ва уйқусиз тунлар бошланди.

Ғани Алиевичга қўйилган айблар ВКП(б) Марказий Комитети партия контроли комиссияси томонидан диққат билан ўрганилиб, асоссиз деб топилди ва 1938 йилда уни партия сафидан ўчириш тўғрисидаги қарор бекор қилинди. Ҳақиқат тантана қилди. Шу йилнинг ўзида у қайтадан ишга тикланди. Аҳоли ва ҳарбийлар ўртасида пропаганда ишларини олиб борди. Катта Фарғона канали қурувчилари ўртасида партия сиёсатини кенг пропаганда қилди.

Ғани Алиевич иқтидорли ташкилотчи, илмли ташвиқотчи ва оташин коммунист бўлиш билан бирга меҳрибон ота ва тарбиячи ҳам эди. У тўрт фарзандни тарбиялаб вояга етказди. Қизи Флора Кайданинани иқтидорли балерина сифатида дунёнинг кўп мамлакатларида яхши билишади. У РСФСР халқ артистидир. Айни пайтда Флора Венгрияда хизмат қилади. Қардош мамлакат ёшларига балет санъатининг сирларини ўргатмоқда. Бу Ғани Алиевичнинг орзуси эди. Кунларнинг бирида, 1940 йилда Ўзбекистонда Тамараханим бошчилигида очилган балет мактаби санъатини кўрган Ғ. Кайдани улар ишига катта баҳо бериб, ўз қизини ана шу даргоҳга топширишни мақсад қилган эди.

Ғани Алиевич Кайданининг бутун умри ватан ва партия ишига содиқликнинг, халқлар ўртасида дўстлик ва қардошликни мустаҳкамлашнинг ёрқин намунаси бўлиб қолди. Оташин коммунист ва ленинчи революционер 1942 йилда оламдан ўтди. Бироқ унинг амалга ошмаган орзуларини, қилиб улгурмаган ишларини фарзандлари ва шогирдлари давом эттиришмоқда.

Қ. ФОЗИЛХЎЖАЕВ.
Тарих фанлари доктори, профессор.

• Воқеалар • Шарҳлар • Хабарлар

НАФОСАТ: МАЪНАВИЯТ МАДАНИЯТ

Якшанба саҳифаси

Қизлар дафтаридан

изҳор

Юртим, жамолингга тоғлар ярашиқ,
Дарёлар ярашиқ, боғлар ярашиқ.
Баҳорлар — фарахбахш чоғлар ярашиқ,
Юракдан энтикиб-энтикиб суйдим.

Гарчи кўтқдонй қишлоқларинг кўп,
Кўпни деб қўлларн қадоқларинг кўп,
Сим-сим оғриқларинг ва доғларинг кўп,
Мен сенн ўртаниб-ўртаниб суйдим.

Ҳали шаҳарни туш кўрар қизлар бор,
Ойдай юзларида гарду тузлар бор.
Ҳали айтилмаган армон—сўзлар бор,
Гоҳо кшондим-у, гоҳ тонив суйдим.

Боғ дедим пахтазор далалар кездим,
Гоҳо гул, гоҳ нохуш ҳидларни сездим.
Оҳ, нима бўлса-да, юртинки девдим,
Номсиз бир оғриқдан тўлғонив суйдим.
Минглаб фарзандларинг бир донасиман,
Мен сенн сиғинив-сиғинив суйдим.

ДАРКОРГИНАМ, ҲАМКОРГИНАМ

Бир яйловда қўймиз,
Сизсиз ўтмас тўйимиз,
Ўхшаш рангу рўйимиз,
Ҳамоҳангдир куйимиз.
Ҳамкоргинам, тожигим,
Даркоргинам, тожигим.

Ўртамизда сиз-биз бор,
Қўшин товоқ, «жиз-биз» бор,
Мард йигит, гўзал қиз бор,
Сиз борсиз, демак биз бор,
Ҳамкоргинам, тожигим,
Даркоргинам, тожигим.

Момохол ЭЛМУРОДОВА.



Таниқли ўймакор Ортиқ ака Файзуллаев эл-юрт орасида ҳурмат топган санъаткор. У маҳорати билан ўзбек миллий чолғу асбобларн, уй-рўзғор буюмларн, устунлар ва эшикларга нафосат бахш этмоқда. Санъаткорнинг бадиий асарларн Бутуниттифоқ кўрикларида юксак баҳоланмоқда. Унинг қўлидан чиққан ўймакорлик буюмларн Москва, Кисловодск, Ленинград сингари шаҳарлардаги маданият кошоналарнни безаб турибди.

Суратда: Ортиқ Файзуллаев ўғли Раҳим билан.

М. НАЗАРОВ суратн.

Кўҳна дунё

ЮЗ ЙИЛ МУҚАДДАМ

«Туркистон вилоятининг газетн»да босилган маълумотлардан:

● **«Ўтган май ойида Тошкент уездининг Уральск волостидаги Самғор қишлоғида ёмғир ёғиб, сел келиб, ҳосират ва экинларни ювиб кетиб, халққа анча зиён етказди. Кўрилган зарар 2000 сўмдир.**

● **Ўтган май ойининг 18- кунида Тошкент уездидаги Ниёзбек волостидаги Ниёзбек овулида қаттиқ дўл ёғиб, 20 десятина ердаги буғдойни, 15 десятина американ пахтасини ва 3 десятина беданн барбод этди».**

● **«30 июнь кечаси соат 2-ю 30 минутда Тошкент шаҳрида зилзила бўлди. Буни ҳар ким билган эмас. Олмаота шаҳрида бу зилзила қаттиқ бўлиб, кўп иморатлар зарар кўрган. Ёркент шаҳрининг ярми вайрон бўлган. Олмаота шаҳридан ёзибдурларким, июнининг 30-кунида тунгги соат уч-у ўн бешда аввал зилзила бошланиб, узоқ тебраниб турибдир. Ул зилзила шу тариқа қаттиқ бўлибдирким, тикка турмоқнинг имкони бўлмабдн. Уйдаги ҳар хил асбоблар ерга тушаверибдир. Баъзи уйнинг мўриларн йиқилиб тушибдир. Ўтган зилзиладан сигирлар бўкиридбдир, барча ҳайвонлар қочибдир ва одамлар ҳаммаси уйдан қочиб чиқибдурлар, аввал даъфа бўлган зилзиладин то соат тўртгача ер оз-оз тебранib турибдир».**

Тўпловчи Р. ФАЙЗУЛЛАЕВ.

АХБОРОТ

НИМА? ҚАЧОН? ҚАЕРДА?

САНЪАТ

Ўзбекистон оҳанглари

Бутуниттифоқ «Мелодия» граммпластинкалар фирмаси Ўзбекистонни мадҳ этувчи қўшиқ ва куйлар ёзилган маҳсулотларни кўплаб ишлаб чиқармоқда. «Гуллаётган ўлка қўшиқлари» номли янги пластинкалар туркуми Ўзбекистон Телевидениеси ва радиоэшиттириш давлат комитетининг мақомчилар ансамбли ижросидаги қўшиқлардан тузилган. Жумладан, пластинкаларда Матлуба Ҳасанова, Ғуломжон Ҳожиқулов, Таваккал Қодиров, Матлуба Дадабоева ва Икромжон Бўроновларнинг хонишлари янграйди. Шунингдек, хушовоз хонандалардан Убайдулла Алиев, Муножот Тешабоева, Маҳмуджон Йўлдошев ижро этган қўшиқлар, «Дутор наволари», «Қўштор» каби пластинкалар ҳам диққатга сазовор.

Г. ХОБОТЬЕВ.
Москва.

ЮРГАН ДАРЁ

Қаҳрамон шаҳарларда

73 баҳорни кўрган колхоз ветерани, Тошлоқ районидаги «Фарғона» колхозининг кекса деҳқони Турғунбой Ҳамроқулов қаҳрамон шаҳарлар бўйлаб сафардан унутилмас таассуротлар олди. У «Фарғона» туристик поездида имтиёзли йўлланма билан саёҳат қилди. Бу ҳалол меҳнат, кўп йиллик тажриба самарасидир. Собиқ механизатор Волгоград, Харьков ва Киев шаҳарларида, Брест қалъасида бўлди.

— Мен бундай сафарни кўпдан бери орзу қилар эдим, — дейди Т. Ҳамроқулов. — Улуғ Ватан уруши йилларида жангу-жадаллар кўрган Белоруссия шаҳарларини кўздан кечириш, ҳозирги ободончилик ишлари билан танишиш мароқли. Сафаримиз Болтиқбўйи ва Қаҳрамон Ленинград томон давом этади.

Н. ПАНАСЮК,
СССР Журналистлар союзининг аъзоси,
Брест шаҳри.

УТМИШ САДОСИ

Қадимий обида

Москва районидаги Гумбаз қишлоғи ўзининг узоқ тарихига эга. Бу ерда кўҳна ёдгорликларидан бири 1822 йили барпо этилган бўлиб, қурилишга Буваназар Эшон бошчилик қилган. Бу обида 1975 йили қайта таъмирланди. Кейинчалик «Ленинизм» колхозининг тарих музейига айлантирилди. Музей икки бўлимдан иборат бўлиб, унда қишлоқ аҳлининг узоқ ўтмиши ҳамда революциядан кейинги ва ҳозирги турмуши ҳақида қимматли экспонатлар бор. Музейни мамлакатимизнинг, ҳатто чет эллариинг турли жойларидан ташриф буюрган туристлар ҳам зиёрат қилмоқдалар.

Т. КОМИЛОВ,
ўқитувчи.

ФАЗИЛАТ

Сумка эгасини топди

Ҳаётда бир яхшилиқ ё ёмонлик эсда қолади, дейишади. Булоқбоши қишлоқ, Энгельс кўчасида истиқомат қилувчи Илҳомжон Ғофуров ҳам бу борада кўпчилик эътиборини қозонди. У Володарский номли фабрика олдидаги бекатда қаровсиз ётган сумкани кўриб қолди. У сумкани район ички ишлар бўлимига келтириб, милиция ходими Омонбой Абдазовга топширди. Кейин дарҳол жойларга хабар қилинib, сумка эгаси қидирилди. Маълум бўлишича, сумкани бекободлик медицина ҳамшираси Тянь Семёнова йўқотган экан. Сумкада эса 500 сўм пул ва зарур ҳужжатлар бор экан. Тянь Илҳомжонга сидқидилдан миннатдорчилик билдирди.

Р. ЖУМАНИЁЗОВА,
Хўжаобод.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
1989—90 ўқув йили учун
ИНГЛИЗ, НЕМИС, ФРАНЦУЗ ТИЛЛАРИ БЎЛИМЛАРИНИНГ СИРТҚИ ВА КЕЧКИ ТАЪЛИМ 1 КУРСИГА

СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Институтни тугатганлар чет тили ўқитувчиси ихтисосини эгаллаб чиқадилар.

Ўқиш муддати — 5 йил.

Ўқишга кирувчилар: ЧЕТ ТИЛИ (оғзаки), ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ (ёзма) ва СССР ТАРИХИ (оғзаки)дан **кириш имтиҳонлари топширадилар.**

Олий ўқув юртига кириш ҳақидаги аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: ўрта маълумот ҳақидаги ҳужжат (асли), сўнгги иш ёки ўқиш жойидан характеристика (рекомендация), медицина справкаси (086/У форма), меҳнат дафтарчасидан кўчирма (иш стажи бўлганлар учун), 6 дона фотосурат (3x4 см.).

Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлик ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

Ҳужжатлар — 19 июлгача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари — 20 июлдан 5 августгача ўтади.

Студентлар сафига қабул — 10 августгача.

Институт адреси: 700020, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 48-уй, қабул комиссияси.

●

СССР Савдо министрлиги
САВДО СОҲАСИ РАҲБАР ХОДИМЛАРИ ВА МУТАХАССИСЛАРИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИНИНГ
ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИ

«Ноозиқ-овқат товарлари товаршунослигидаги янгиликлар» курси бўйича **катта ўқитувчи** (фан номзоди) **вакант вазифасига**

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурс муддати — 27 июлгача.

Ариза ва ҳужжатлар қуйидаги адресда жойлашган филиал директори номига юборилади: Тошкент шаҳри, 173-алоқа бўлими, Бобур кўчаси, 3-уй (11-трамвайнинг «Жуковский номидаги шошилинч ёрдам клиникаси» бекати).

●

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг
МИКРОБИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
«биохимия», «биотехнология» ихтисослари бўйича ишдан ажралган ҳолда:
«микробиология» ихтисоси бўйича ишдан ажралмаган ҳолда
1989 йил учун
АСПИРАНТУРАГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
Ҳужжатлар — 1989 йил 31 августгача қабул қилинади.
Кириш имтиҳонлари — 1989 йил 1 сентябрдан 1 октябргача ўтади.
Справкалар юзасидан қуйидаги адреса мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, 128-алоқа бўлими, «ЎзССР 50 йиллиги» проспекти, 7«а»-уй.

●

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарлари диққатига!
«ФЕРГАНАПИВО» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ
ТУГАТИЛДИ

Даъволар 1 августгача қуйидаги адреса қабул қилинади: Фарғона шаҳри, Свердлов кўчаси, 3-уй.

Янгиликдан хабарингиз борми?

ТОШКЕНТДА — ШИФОБАХШ СУВЛАР

Тошкент минерал суви, мана 34 йилдирки, минглаб кишиларни даволашда ишлатилмоқда ва истеъмол этилмоқда. Аммо бу шифобахш сувнинг ҳажми тобора камайиб бормоқда. Бунинг олдини олиш мақсадида янги минерал сув манбаларини излаб топиш ишлари қизғин борянти. Н. А. Семашко номидаги курортология ва физиотерапия илмий-тадқиқот институти қошида тузилган «Средазгеоминвод» экспедицияси Тошкент минерал суви қатламидан пастда — яъни мел (альб) қатламида 1900—1959 метргача бурғулаш ишларини олиб борди. Натижада янги минерал сув отилиб чиқди. Унинг ер қаъридаги ҳарорати 70 даража. Бир литр сув таркибида минераллар-12, ишқор-9,5, хлор ионн-81, натрий-82 фоизга тенг. Бир қатор шифобахш микроэлементлар ҳам бор. Чунончи йод-4,96, бром-61,5, бор-19, кремний кислотаси 36,4, литий-0,45, стронций-5, темир-2,6, қўргошин-0,01, фтор-0,06 граммни ташкил этади. Бу, сувнинг маъданларга бойлиги, ғоятда шифобахшлигидан далолат. Бундан ташқари унинг таркибида йод ва бром моддалари сероблиги даволаш ишларида бемалол фойдаланиш мумкин эканлигини кўрсатади.

Бу сув Италиядаги йодбромли, Сальсомаджоре, СССРдаги Горячий Ключ, Усть-Качка-Тавда, Ўзбекистондаги Чортоқ курортларининг сувларидан сира ҳам қолишмайди.

Янги шифобахш сувдан асаб, юрак-томир, суяк хасталиги, тери, аёллар жинсий аъзолари ва бошқа хасталикларни даволашда ғоятда самаралидир. Яна сурункали меъда-ичак, жигар ва ўт пуфаги, қовуқ хасталиклари, модда алмашинувининг бузилишига алоқадор касалликлар, нафас йўлларининг яллиғланиши муолажасида қўл келади. Институтнинг клиникасида яқин ойларда янги шифобахш сув билан даволаш ишлари бошлаб юборилади.

Тошкент халқа йўли ёнидаги Ўрмон-боғда эса янги топилган бром моддали минерал сувнинг аҳамиятини ўрганиш ишлари ниҳоясига етказилди. Уни ичишдан ташқари ванна қабул қилиш учун тавсия этилди.

К. СОБИРОВ,
Н. А. Семашко номидаги курортология ва физиотерапия илмий-тадқиқот институтининг курорт манбаалари ва иқлимшунослик муҳофазаси бўлими мудири.

Таклиф, мулоҳаза

ДИЛКУШО ЖОЙ БЎЛСА...

Бундан 30 йил аввал 1-микрорайон яқинида Ирвадонсой сув омбори қурилиб, кутилмаганда юз берувчи селга қарши иншоот ҳам барпо этилган эди. Вақт ўтиши билан бу ер одамларнинг севимли масканига айланди. Кўлбола кўл бўйида минглаб наманганликлар ҳордиқ чиқаришни одат қилишди.

Кўл, айниқса, спортчиларга маъқул келиб қолганди. Спорт мастери А. Баликова эшкак эшувчилар билан мунтазам машғулот ўтказар, ёшларни турли мусобақаларга шайлар эди. Афсуски, кейинги пайтларда кўлбўйи қаровсиз ва кўримсиз манзара касб этди. Мавали ва манзарали дарахтларга болта тегди. Бирорта ниҳол ўтказилмади. Кум соҳил ҳам харобага айланди.

Маълум бўлишича, Ирвадонсой дам олиш зонасини ободонлаштириш бўйича лойиҳа-сметалар мавжуд экан. Гулзор, чойхона ва ошхоналар қурилиши, йўлларнинг асфальтланиши, савдо тармоқларн ташкил этилиши зарур эди. Ҳатто тўқимачиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларнинг 5-10 кунлик дам олишини уюштириш кўзда тутилган эди. Афсуски, бундай ҳайрли тадбирлар ўрнига бошқа юмушлар амалга оширилди. Чунончи, Свердлов номли колхозга қарашли турли транспорт воситалари дам олиш маскани ўртасидан қурилган йўлда қатнаб турибди. Машиналарда кўлга чўмилиш жойигача келиш қоллари ҳам рўй бермоқда.

Кўлда 6-8 хил балиқ боқилса, 2-3 йилдаёқ тонналаб озуқа маҳсулоти етиштириш мумкин бўлади.

Бундан шойи ишлаб чиқариш бирлашмаси тўқимачиларн ҳам манфаатдор бўлишлари мумкин. Агар меҳнат ветеранларига жамоатчилик асосида «Балиқ хўжалиги»ни юритиш топширилганда, айни муддао бўларди. Умуман, бир пайтлар кўлда турли хил балиқлар жавлон урарди. Турғунлик даври фармонбардорларининг сўзи билан кўлнинг суви икки марта очиб юборилиб, балиқлар нобуд қилинди. Ваҳолонки, кўлга катта ариқдан сув келиб туради. Бу эса сувнинг мусаффолигини таъминлайди. Бир сўз билан айтганда, Ирвадонсой дам олиш зонасини обод қилиш, яна севимли масканга айлантириш пайти етди.

Т. СУЛАЙМОНОВ,
Наманган шойи газламалар ишлаб чиқариш бирлашмаси ятроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошлиғи ч ташкилотининг вазоси.

Об-ҳаво қандай бўлади?..



Келгуси ҳафтада Ўзбекистон областларида ҳавога бироз булут чиқади, ёғингарчилик бўлмайди. 17 июль куни айрим тоғли жойларда бироз ёмғир ёғади, момақалдироқ бўлади. Шарқдан секундига 5—10 метр тезликда шамол есади. Кечаларн 19—24, кундузларн 34—39 даража иссиқ бўлади. Ҳафтанинг охирига борнб ҳарорат яна 2—4 даража кўтарнлади.

...саломатлик-чи?

Н. А. Семашко номидаги курортология ва физиотерапия илмий-тадқиқот институти медицина метеорологияси маълумотларн ва профилактика марказн мутахассисларининг фикрига кўра, ҳавонинг ўзгарувчанлиги, атмосфера босими, кислород энчлашиши кабн ноқулай шароитлар асаб хасталигига чалинган кишиларнинг саломатлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бундан ташқари юрак, бош мия томирларн ва қон айланиши бир мунча бузилган, ўпка-нафас йўллари хаста кишилар ҳам безовта бўладилар. Бундай беморларга маром ва меъёрга риоя этиш, тоза ҳавони жойларда кўпроқ бўлиш, зарурятга қараб врач тавсиясига биноан дори-дармонлар қабул қилиш маслаҳат бериладн.

Қўшиқчилигимиз ҳақида гапирганда дастлаб кўзга ташланадиган камчиликлардан бири — улар мазмун ва бадиий жиҳатдан паст савиялидир.

Қўшиқчиликда биз баъзан айбни шоирга ёки бастакорга қўямиз, хонандачи? У саводсиз, ҳеч нарсани тушунмайдиган, жонсиз «карнайми?» Ижро этилаётган қўшиқ савияси учун хонанда бирдек жавобгар эмасми?

Яхши қўшиқлари ва яхши ижрочилиги билан томошабин олқишига сазовор бўлган хонандалар талай. Ҳамма гап қўшиқ учун муносиб шеър танлай билишда. Ўзбекистон халқ артисти Шерали Жўраев Ойбекнинг «Бир ўлкаки» шеърини қўшиқ қилди. Қўшиқ учун ёзилмаган шеърнинг қўшиқ бўлиши бу санъаткорнинг изланиши ва яхши ижод намунасидир.

Кейинги пайтларда негадир ижтимоий мавзудаги қўшиқлар концерт программаларидан чиқиб кетяпти. Буни биз радио, телевизор ва саҳнадаги концертларда кўряпмиз. Ҳолбуки ижтимоий мавзуларда ҳам яхши, ёқимли лирик қўшиқларимиз бор. Лекин улар архивда қолиб кетяпти. Бунинг биринчи сабаби, концерт программаларини тузувчилар бундай маъзодаги қўшиқлардан юз ўгираётганликлари бўлса, иккинчи сабаби бу мавзулардаги қўшиқлар ижро этилмаяпти-ку деб шоирлар ҳам, хонандалар ҳам уни четлаб ўтяптилар. Шу сабабли қўшиқчилигимизда мавзу торайиб боряпти. Зарур ижтимоий мавзуларда, чунончи: юртимиз, ҳаётимиз, ҳар соҳадаги яхши ишларимиз, меҳнатимиз, тинчлик, меҳнат қаҳрамонлари, космонавтларимиз ва турли маросимларимиз ҳақида қўшиқ кам, баъзилар эса эътиборсиз сабаб бўляпти: мана, Ватан ҳақида айтилган бир қўшиқ.

**Ватан сен қуёш бўлсанг,
Мен юлдуз бўлай дейман.
Агар нуринг тегмаса,
Майли мен ўлай дейман.**

Бу қўшиқ Қўқонда бўлган бир сайил концертида хонанда Раҳимжон Ҳошимов томонидан ижро этилди. Кўриниб турибдики, бу қўшиқда Ватан қалбаки, юзаки, киши ишонмайдиган сўзлар билан таърифланади. Бу шеър кимники эканлигини хонаданинг ўзи ҳам билмайди. У кўп концертларда ижро этилган ва ижро этиляпти.

Муҳаббат ҳақида қўшиқлар ҳам талай. Бу мавзудаги қўшиқлар зарур, албатта. У ҳам ҳаётимиз рамзи. Лекин улар орасида мана бунақа, севгини ўлимга дуч қиладиган ва ҳаёсиз қўшиқлар ҳам учраб туради.

Севги қўшиқларига хос умумий камчиликлар услубида ҳам, музикасида ҳам, ижросида ҳам, янгилик, табиийлик, ҳарорат йўқлигидир. Кўпчилик қўшиқ ғазалларида бир аёлнинг гўзаллиги тасвирланиб, унга севги изҳор қилинади, вассалом.

Халқ қўшиқлари ижросида ҳам кўпинча унинг маъносига эътибор берилмайди. «Халқники-ку» деб бефарқ қаралади. Тумтароқ сўзлар, иборалар ҳам айтилаверади. Масалан, «Воҳай бола» каби терма қўшиқлар бунга мисол бўла олади. Қўшиқ асосан радиода яратилади ва радиодан тарқалади. Шунинг учун радиони «қўшиқ фабрикаси» дейиш мумкин. «Машъал»да кунига қанчадан-қанча қўшиқ берилади, бир қанча хонаданинг номи тилга олинади. Шундай қўшиқ бисотини сақлаш ва уни яна бойитишда радионинг хизмати катта. Лекин бу бисотни тўлдиришда баъзан дуруст, баъзан нодурust ишлар бўляпти. Маъқул қўшиқлар ёзиб олинаётганлиги яхши, лекин бу ёзиб олинаётганлар орасида худди атласдек жилваланган қўшиқларга бўз ямоқ бўлиб, унинг жилвасини бузаётган қўшиқлар ҳам бор. Бу қўшиқлар кўпинча «ҳаваскор хонанда» деган парда остида ёзилади.

Музикали саҳна асарлари ҳақида икки оғиз сўз. Бу ҳақда кўпчилик томошабинларнинг фикрини айтиш кифоя. «Ўн беш йиллар ичида бир қанча музикали драма ва комедиялар яратилган бўлса ҳам улардаги бирорта қўшиқ ва бирорта музика халқ дилига етиб бормади». Илгари томошалардан чиқиб кетаётиб унда эшитган қўшиқларни ҳиргойи қилиб айтиб кетар эдик, дейишади. Бу ҳақ гап. Илгари «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин», «Тоҳир ва Зуҳра», «Гулсара», «Нурхон», «Равшан ва Зулхумор», «Муқимий» каби музикали саҳна асарларини томошабин завқ билан қайта-қайта кўрар, улардаги қўшиқларни ёдлаб олар эди. Томошабинлар ҳали-ҳали ўша асарларни эслайди, қўмсайди.

Опера санъатига келсак. Талантли композитор С. Юдаков «Майсаранинг иши» операси билан бу жанрда ҳам халққа яқин яхши миллий опера ёзиш мумкин эканлигини кўрсатди. Ундаги музика-қўшиқлар миллий ва ёқимли оҳанга янграйди. Демак, опера, кантата, сюита каби жанрлардаги асарларда ҳам шундай миллийликка ва интернационалликка эътибор берилса, бундай асарларга ҳам ҳавас уйғониш мумкин бўларди.

Эстрада қўшиқчилигимизда янги ва илғор жанр. Бу жанр ўсиб боряпти. Лекин унинг репертуарларининг халқчиллигига ва социал мазмунига эътибор бермоқ керак.

«Ялла» ансамбли ўзига хос услуб-йўл билан қўшиқчилигимизга яхши ҳисса қўшиб келяпти. Бу эстрада ва юмор характеридаги ансамбль бўлиб, у ўзбек халқ қўшиқларини асосий концерт программаси қилиб олган. У ўзбек халқ қўшиқларини дунёга тараtиб келаётганлиги билан ҳам қўшиқчилигимизда катта хизмат қиляпти. Бу ансамблга шундай истакларимиз бор. Ансамбль репертуарида замонавий қўшиқлар ҳам бўлса. Яна бир талаб, ансамблнинг кўринишида халқ яхши қабул қилади, ҳам ёшларни ҳам қариларни ўзига жалб этади.

Ижро этилаётган қўшиқлардаги яна бир камчилик — хонандалар қўшиқдаги сўзларни тингловчига етказа олмаётганликларидир. Қўшиқдаги сўзлар кўпинча ё оҳангга қурбон бўлади, ё уни музика босиб кетади, ёки хонанда «чайнаб» ютиб юборади. Бу нуқсон жуда кўпчилик хонандалар ижросида кўринади. Ҳатто шоир ҳам ўз шеърининг сўзини хонанда тилидан аниқ эшитмайди. Радиодаги концертларда баъзан хонандага нисбатан ортиқча мақтов гаплар айтилиб унинг қўшиғи эълон қилинади. Хонанда қўшиқни яхши ижро этиши мумкин, лекин унинг маънавий қиёфаси қандай? Бу томони ўйланмайди. Хонанда қўшиқ айтганда унинг қандайлигини билган тингловчилар «аввал ўзингга боқ, кейин ноғора қоқ» демасликги керак. Яна бир истак: Номи элга манзур, вафот этган машҳур ҳофизлар, хонандаларнинг қўшиқлари ҳам тез-тез эшиттириб турилса, Юнус Ражабий, Маъмуржон Узоқов, Жўрахон Султонов, Карим Зокиров, Бобораҳим Мирзаев, Карим Мўминов ва бошқаларнинг қўшиқларини, айниқса халқ севиб тинглайдн. Касбкор қўшиқларига эҳтиёж сезилади. Масалан, партия ва меҳнат ветеранларига бағишлаб концерт берилади. Лекин унда севги қўшиқларигина эшитилади. Наҳотки улар ҳақида қўшиқ бўлмаса. Шунингдек, чорвадорларга махсус эшиттириш ва концерт берилади. Унда ҳам чорвадорлар ҳақида қўшиқ эшитмаймиз? Қўшиқлар тематикасида насиҳат қўшиқлари ҳам бўлади. Бу қўшиқларда тарбиявий гаплар айтилади. Шунинг учун бундай қўшиқларни халқ яхши қабул қилади ва ундаги насиҳатомуз гапларни ёдлаб олади.

Эрталаб бериладиган концерт программаларида қўшиқдан кўра гап кўп. Кимлардир мақталн ё шеърлар ўқилади. У адабий эшитиришга айлантирнб юборилади баъзан. Ҳолбуки одамлар эрталабки концертда қўшиқ эшитишни хоҳлайди. «Қўшиққа эътибор, халққа эътибор» деганлар. Шундай экан, яхши қўшиқларнинг дунёга келиши учун ҳаммамиз бирдек бош қотиришимиз керак.

Ўткир РАШИД,
филология фанлари кандидати.

БУГУНГИ ҚЎШИҚЛАРИМИЗ

Қизиқ гаплар

ҚЎЛБОЛА ДЕНГИЗЛАР

● Дунёда инсон қўли билан яратилган 12 мингдан кўпроқ сунъий денгиз ва кўл мавжуд. Уларнинг умумий сатҳи 600 минг квадрат километрни ташкил этади. Бу, Украина ёки Франция майдонидан ҳам кенг демак. Ана шу кўл-денгизларда 4 минг куб километр обиҳаёт бор. Уларнинг энг йириги Ғанадаги Акосомбо ҳамда Ангарадаги Братск денгизлари.

ҲОЗИРЧА ТЎРТИНЧИ

● Жаҳонда йилига 3 минг 600 тадан зиёд тўлиқ метражли кинофильм яратилар экан. Бир пайтлар Совет Иттифоқи кинофильмлар яратиш бўйича дунёда иккинчи ўринни эгалларди. Сўнгги маълумотларга қараганда, мамлакатимиз киночилари йилига 319 кинокартина яратиш билан тўртинчи бўлиб турибди.

ИНКАССАТОР ҲИКОЯСИ

ДАХЛСИЗ САРМОЯ

Шу йилнинг ўзида Москва, Чимкент ва бошқа шаҳарларда пул олиб бораётган кассирларга йўлларда ҳужум бўлди. Уғрилар коллективларнинг маошларини ўлжа қилишга уринишлар. Шу муносабат билан Ўзбекистонда бундай кўнгилсиз ҳоллар бўлиб турадими, деган савол туғилиши табиий.

СССР Давлат банки хўжалик ҳисобидаги инкассация бирлашмаси Ўзбекистон бошқармаси бошлиғи Боқи Фаттохович ХАЛИЛОВ шарҳи:

Тошкент шаҳрида 18 та корхона билан шартнома тузилиб, инкассаторларимиз кассирлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида уларга посбонлик қилмоқдалар.

Бундан ташқари «афғончи» инкассаторлар ходимларнинг спорт маҳоратини ошириш мақсадида махсус тўгарак ташкил этишди. «Пахтакор» стадионида ўтказилаётган машғулотда 160 киши қуроллардан безорнларга қарши курашиш сирларини пухта ўрганишмоқда.

ТАБИАТ ВА ИНСОН

АМУ КЎЗ ЁШЛАРИ

НУКУС (телефон орқали). Қорақалпоқ днёрида саратон жазирамаси. Амударё кўрфазига нигоҳ ташлаб юрагим ўкинib кетди, Дарё тубида бир қулоч сув жилдираб оқаяпти. Ёз чилласида хунук манзара. Дарё йўл-йўлакай экинларга ва кўл юмушларга оқиб битган.

Болаликда дарё бўйига бориб, унинг лиммо-лим оқимидан ҳайратланардик. Кексаларнинг ҳикоя қилишларича, Орол денгизи бир неча марта тошган ва камайган, 1935 йилда денгизга косасида 1153 куб километр оби-ҳаёт бўлган. Ҳозир эса унинг учдан бир қисмигина қолган, холос.

Бу йил Тахиатош тўғонидан денгизга 613 миллион куб метр сув оқди. Коллекторларники эса 313 миллион куб метр. Ана шу ҳажм ҳам денгизга урвоқ бўлмайди.

Амударёда сув танқислиги сабабли 16 минг гектарда шоли қуриб қолди. Бошқа экинларни ҳам баравар дейиш қийин.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Муҳаррир
У. УСМОНОВ.

«Совет Ўзбекистони» газета редакцияси коллективи редакция ходими Е. Холмўҳамедова-га отаси

Ҳисомиддин ДУСТМУҲАМЕДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзтекстильторг»нинг тўқимачилик моллари билан улгуржи савдо қилувчи республика идораси коллективи идора директори Х. Х. Иногомовга акаси

Туйғун Ҳасанович ИНОҒОМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 04220. Б. — 166. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12